

Омина

ОЙЛИК ИЖТИМОЙЙ - МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ
1438, РАБИЪУЛ АВВАЛ 2-СОҲ



Muslimate.uz
Муслималар саҳифаси



«OMINA» электрон журналининг таҳрир ҳайъати аъзолари
Бош муҳаррир: Одинахон Муҳаммад Содик

Салима Рустамий, Нилуфар Маҳаммаджановна,
Гулбаҳор Абдуллоҳ, Рухсора Азизова, Гулишода Муминова,
Умму Муҳаммад Билал
Дизайнер: Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ

e-mail: info@muslimaat.uz



АЛЛОҲНИНГ РАСУЛИГА ВАЪДАСИ

لَقَدْ صَدَقَ اللَّهُ رَسُولَهُ الرُّؤْيَا بِالْحَقِّ لَتَدْخُلَنَّ
الْمَسْجِدَ الْحَرَامَ إِنْ شَاءَ اللَّهُ ءَامِنِينَ مُحَلِّقِينَ رُءُوسَكُمْ
وَمُقَصِّرِينَ لَا تَخَافُونَ فَعَلِمَ مَا لَمْ تَعْلَمُوا فَجَعَلَ مِنْ دُونِ
ذَلِكَ فَتْحًا قَرِيبًا ﴿٢٧﴾

27. Батаҳқиқ, Аллоҳ Расулининг тушини ҳақ ила тасдиқлади. Албатта, Масжидул Ҳаромга, иншааллоҳ, омонликда, сочларингиз олинган, қисқартирилган ҳолда, кўрқмасдан кирасизлар. Бас, У сиз билмаган нарсани билди ва сизларга бундан бошқа яқин фатҳни қилди.

Бу оятда Аллоҳ таоло мўминларга бир неча хушxabар етказмоқда.

Аввало, Набий алайҳиссаломнинг тушларини тасдиқламоқда.

Қолаверса, Масжидул Ҳаромга кириш албатта насиб этишининг хабарини бермоқда. Ушбу хабарни Аллоҳнинг Ўзи таъкидлаб бераётганига қарамай, яна Ўзи «иншааллоҳ» – «Аллоҳ хоҳласа», деган иборани ишлатмоқда. Бундай дейиш иймон одобларидан бўлиб, дунёдаги ҳар бир ишни ва воқеани Аллоҳ таолонинг хоҳишига боғлашдан иборатдир. Бу ваъда Худайбия сулҳидан кейин, кўп ўтмай амалга ошди.

Набий алайҳиссалом Худайбиядан Мадинаи Мунавварага ҳижрий олтинчи йилнинг зулқайда ойида қайтиб келдилар. Зулҳижжа ва муҳаррам ойлари ўтиб, са-

фар ойида Хайбарни фатҳ қилдилар. Еттинчи ҳижрий йилнинг зулқаъда ойида, яъни роса бир йилдан сўнг Худайбияда иштирок этган саҳобалар билан умрага оландилар. Зул-Ҳулайфа деган жойдан эҳром боғлаб, қурбонликларини ҳам ҳайдаб олдилар. Ривоятларда келишича, ўшанда Расулуллоҳнинг ўзлари олтмишта туя олган эканлар. Ҳаммалари бир бўлиб, «лаббайка»ни айтиб, йўлга тушдилар. Марриз Заҳрон деган жойга яқинлашганларида, Муҳаммад ибн Саламани от ва қуроллар билан олдинга жўнатдилар. Буни кўрган мушриклар, Расулуллоҳ орадаги ўн йилгача уруш қилмаслик аҳдини бузиб, бизга ғазот қилиб келяпти, деб ўйлаб, қўрқувга тушишди ва бу хабарни Макка аҳлига етказишди. Пайғамбаримиз алайҳиссалому вассалом Марриз Заҳронга келиб, ҳарамнинг белгилари кўринадиган жойга тушдилар ва қурол-аслаҳаларини Ботни Яъжиж деган жойга юбориб, ўзлари аҳдномада шартлашилганидек, қиличларини қинида сақлаган ҳолда Маккага қараб юрдилар. Улар йўлда юриб бораётганларида, Қурайш томонидан юборилган Макраз ибн Ҳафс исмли киши келиб:

– Эй Муҳаммад! Биз сени аҳдни бузасан, деб ўйламаган эдик, – деди. Расули Акрам алайҳиссалом:

– Нега бундай деяпсан? – дедилар. У:

– Бизнинг устимизга силоҳ, найзалар билан келдинг, – деди. Пайғамбар алайҳиссалом айтдиларки:

– Ундай бўлгани йўқ, биз уларни Яъжижга юбордик.

Ибн Ҳафс:

– Биз сени шундай деб – яхшилик ва вафо билан таниган эдик, – деди.

Пайғамбаримиз бошлиқ саҳобалар Маккаи Мукаррамага кириб борганларида, мушрикларнинг раҳбарлари уларни кўришга тоқат қила олмай, шаҳардан ташқарига чиқиб кетдилар. Қолганлар эса – эркак-аёл, ёш-яланг, қариялар ва болалар йўл четига, томларнинг устига чиқиб, томоша қилиб ўтирдилар.

Саҳобалар Пайғамбаримизнинг атрофларида «лаббайка»ни баралла айтиб, кириб келишди. Расули Акрам алайҳиссалом эса Худайбия куни минган туялари – Қасвони минган ҳолларида она шаҳарлари

бўлмиш Маккага кириб келдилар. Абдуллоҳ ибн Равоҳа Ансорий розияллоҳу анҳу Расулуллоҳнинг туяларини юганидан тутиб:

«Муҳаммад Расули бўлган Зот исми билан, Динидан ўзга дин йўқ бўлган Зот исми билан!»

деб бошланувчи қасидани ўқиган ҳолда келар эди.

Имом Аҳмад Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз саҳобалар билан Марриз Заҳронга келиб тушганларидаёқ, қурайшийлар улар ҳақида «Очликдан тинкалари қуриб қолибди-ку», деб гап тарқатишган эди. Буни билган саҳобалар: «Миниб келган ҳайвонларимиздан сўйиб, гўштини еб, шўрвасини ичиб олсак, эртага анавиларнинг олдига тетикроқ турармидик», – деб қолишди. Шунда Набий алайҳиссалом: «Ундай қилманглар, қолган овқатларингизни менга тўплаб келинглар», – дедилар. Жамлаб келдилар. Расули Акрамнинг шарафлари ила Аллоҳ таоло у таомга барака берди. Тўйиб ейишди, ортиб қолганидан идишларини тўлдириб олишди. Сўнгра Расулуллоҳ юриб кетдилар. Каъбага яқинлашганларида, қурайшликларнинг Ҳижри Исмоил тарафдан ўзларини кузатиб турганларини кўрдилар-да, саҳобаларга: «Анави қавм сизда заифлик кўрмасин», деб, ридоларини қўлтиқлари остига қисиб, Ҳажарул асвад рукнини истилом қилдилар ва паҳлавонларча катта-катта қадам ташлаб, айрича юриш қилиб кетдилар. Яман рукнига келиб, қурайшликларнинг кўзидан узоқлашганларида, оддий юриш қилдилар. Уч тавофни шундай тарзда, қолганини оддий юриш ила қилдилар. Ушбу амал мана шу тартиб билан суннат бўлиб қолди.

Шундай қилиб, Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг тушлари тасдиқланиб, келаси йили Маккаи Мукаррама фатҳи бўлди. У ердаги барча аҳоли Исломга кирди. Ислом Арабистон ярим оролининг бошқа тарафларига ҳам тарқалди. Кейинчалик эса навбатдаги оятда баён қилинганидек, Аллоҳнинг ваъдаси юзага чиқиб, Ислом барча динлардан устун бўлди.

هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ
عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ، وَكَفَىٰ بِاللَّهِ شَهِيدًا ﴿٢١٨﴾

28. У Ўз Расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан, уни барча динлардан устун қилиш учун юборган Зотдир. Гувоҳликка Аллоҳнинг Ўзи кифоядир.

Дарҳақиқат, ушбу ояти карима нозил бўлганидан ярим аср муддат ўтиши билан Ислом дини ўша вақтдаги обод диёрларнинг барчасида зоҳир бўлди. Дунёга танилган икки императорлик – Форс ва Рум империяларидан ғолиб келиб, турли ўлкаларда тарқалди. Ҳозирги кунда дунёнинг Ислом зоҳир бўлмаган ҳеч бир чеккаси йўқ. Шу билан бирга, Исломнинг кучини ҳамма билади. Дунёни титратиб турган тузумлар, подшоҳлар ҳам Исломни эшитса, тиззаси қалтирайди. Улар ўзаро душман бўлсалар ҳам, Исломга қарши бирлашадилар.

Суранинг охирида саҳобаи киромларнинг нодир жамоалари аъзоларининг ёрқин сиймолари илоҳий услуб билан васф қилинади:

مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ وَالَّذِينَ مَعَهُ أَشِدَّاءُ عَلَى الْكُفَّارِ
رُحَمَاءُ بَيْنَهُمْ تَرَبَّهَتْهُمْ رُكْعًا سَجْدًا يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِنَ اللَّهِ
وَرِضْوَانًا سَيِّمَاهُمْ فِي وُجُوهِهِمْ مِنْ أَثَرِ السُّجُودِ ذَلِكَ
مَثَلُهُمْ فِي التَّوْرَةِ وَمَثَلُهُمْ فِي الْإِنْجِيلِ كَزَرْعٍ أَخْرَجَ
شَطْرًا فَتَازَرَهُ، فَاسْتَغْلَظَ فَاسْتَوَى عَلَى سُوقِهِ، يُعْجِبُ
الزَّرَّاعَ لِيغِيظَ بِهِمُ الْكُفَّارَ وَعَدَّ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا
وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ مِنْهُمْ مَغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا ﴿٢٩﴾

29. Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир, у билан бирга бўлганлар кофирларга шиддатли, ўзаро раҳмдилдирлар. Уларни рукуъ ва сажда қилган ҳолларида кўрасан. Аллоҳдан фазл ва розилик тиларлар. Юзларидаги аломатлари сажда асаридир. Уларнинг Тавротдаги ва Инжилдаги мисоллари ана шундайдир. Бу худди уруғини ёриб чиқиб, қувватланиб, йўғонлашиб, поясида тик туриб, деҳқонларни ажаблантирган бир экинга ўхшар – улар билан кофирларни ғаблантириш учун. Аллоҳ улардан иймон келтирган ва солиҳ амалларни қилганларига мағфират ва буюк ажрни ваъда қилди.

Бу ояти карима Муҳаммад алайҳиссаломнинг Расуллик сифатларини таъкидлаш билан бошланмоқда:

«Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир...»

Маълумки, мушрик ва кофирлар бу сифатларни инкор қилган эдилар. Уларнинг вакили Суҳайл ибн Амр, мазкур сура тафсирининг аввалида айтилганидек, Набий алайҳиссалом сулҳ матнини имло қилаётганларида, матндан «Аллоҳнинг Расули» деган иборани ўзгартиришларини қатъий талаб қилиб, туриб олган, «Биз сенинг Аллоҳнинг Расули эканингни тан олганимизда, бу ишларни қилмас эдик» деган маънода гап қилган эди. Ояти карима мушрикларнинг мана шу қайсарликларига қақшатқич зарба бермоқда. Мўмин-мусулмонларнинг яхши сифатлари кўп, аммо ушбу оятда уларнинг вакиллари бўлмиш саҳобаи киромларнинг баъзи сифатлари махсус васф қилинмоқда:

«...у билан бирга бўлганлар кофирларга шиддатли, ўзаро раҳмдилдирлар».

САҲОБАИ КИРОМЛАРНИНГ
ФАЗЛЛАРИНИ ЗОҲИР
ЭТИШ УЧУН КЕЛТИРИЛГАН
УШБУ СИФАТ ҲАР БИР
МЎМИННИНГ ҲАМ
СИФАТИ БЎЛИШИ
ЛОЗИМ. САҲОБАЛАР
ЎЗЛАРИНИНГ ОТАЛАРИ
ЁКИ БОЛАЛАРИ КОФИРЛАР
САФИДА БЎЛСА, УЛАРГА
ҚАРШИ ҲАМ ҚАТТИҚҚЎЛ
БЎЛГАНЛАР. АММО, КИМ
БЎЛИШИДАН ҚАТЪИ
НАЗАР, МУСУЛМОНГА
НИСБАТАН МЕҲРИБОН
БЎЛИШГАН.

«Уларни рукуъ ва сажда қилган ҳолларида кўрасан».

Улар доим рукуъ ва сажда ҳолатида, яъни ибодат ҳолатида бўладилар. Мўмин-мусулмон шахсининг, хоссатан, оятда мадҳлари келаётган саҳобаи киромларнинг барча ҳаётлари ибодатдан иборатдир. Лекин, шундай бўлса ҳам, оятда банданинг Аллоҳга энг яқин бўладиган пайти – рукуъ ва сажда пайтининг зикр қилиниши бежиз эмас. Ояти каримадаги тавсифдан улар

худди доимо рукуъ ва саждада тургандек тасаввур пайдо бўлади.

«Аллоҳдан фазл ва розилик тиларлар».

Уларнинг асосий сифатларидан бири – ҳамма ишни Аллоҳнинг фазли ва розилиги учун қилишлари. Бошқа бирор тараф ёки шахснинг розилиги деб, Аллоҳнинг розилигини четга сурмайдилар. Шунинг учун фазлу марҳаматни ҳам фақат ягона Аллоҳнинг Ўзидан кутадилар.

Яна бир сифатлари:

«Юзларидаги аломатлари сажда асаридир».

Яъни ибодатнинг асари юзларидан билиниб туради. Бу оддий ҳақиқат бўлиб, ибодатли, пок, тақводор инсонларнинг юзларидан иймон нури ёғилиб туришини ҳар бир мулоҳазали, кўзи очиқ киши кўра олади.

ПАЙҒАМБАРИМИЗДАН
ҚИЛИНГАН РИВОЯТЛАР-
ДАН БИРИДА: «КИМНИНГ
ТУНДА НАМОЗИ КЎПАЙСА,
КУНДУЗИ ЮЗИ ЧИРОЙЛИ
БЎЛАДИ», – ДЕЙИЛГАН.
САҲОБАИ КИРОМЛАР БУ
БОРАДА ҲАММАГА ЎРНАК
БЎЛГАНЛАР.

«Уларнинг Тавротдаги ва Инжилдаги мисоллари ана шундайдир».

Ушбу ояти каримадан маълум бўладики, саҳобаи киромларнинг сифатлари аввалги илоҳий китоблар – Таврот ва Инжилда ҳам зикр қилинган. Маълумки, ҳозирда яҳудийларнинг қўлларидаги Таврот Мусо алайҳиссаломга Аллоҳ таолодан нозил қилинган ҳақиқий Таврот эмас, балки бузилиб, ростидан ёлғони, тўғрисида нотўғриси кўп ҳолатга келган бир китобдир. Инжил ҳақида ҳам худди шу нарсани айтиш мумкин. Шундай бўлса-да, уламоларимиз бу икки китобнинг ҳозирги нусхаларидан ҳам мазкур ояти каримани тасдиқловчи матнларни топишган. Биз ўрганаётган ояти каримада эса ҳақиқий, ҳеч бузилмаган илоҳий васф келган, у ҳам бўлса:

«Бу худди уруғини ёриб чиқиб, қувватланиб, йўғонлашиб, поясида тик ту-

риб, деҳқонларни ажаблантирган бир экинга ўхшар...»

Ушбу зарбулмасал ила Аллоҳ таоло Ислом динининг бошланиши, ўсиши, улғайишини баён қилмоқда. Чунки Муҳаммад алайҳиссалом ёлғиз ўзлари бошлаган даъватни саҳобаи киромлар қўллаб-қувватладилар ва шу тарзда, худди қобиғини ёриб чиққан уруғ аста-секин ривожланиб, деҳқоннинг кўзини қувонтирадиган ўсимликка айлангани сингари, Ислом ҳам Пайғамбаримиз бошчиликларидаги саҳобалар жамиятида ўсиб, кўзни қувонтириб борди.

Лекин бу ҳолат кофирларнинг ғазабини кўзғатар эди. Шунинг учун ҳам ояти каримада

«...улар билан кофирларни ғазаблантириш учун» деган ибора келди. Ушбу маънодан келиб чиқадики, саҳобалардан ғазаби кўзиган, уларни беҳурмат қилганлар кофирлар қаторига қўшилар эканлар. Оятдаги шунчалик иззат-икром устига, Аллоҳ таоло саҳобаи киромларга яна мағфират ва улуғ ажрларни ҳам ваъда қилмоқда:

«Аллоҳ улардан иймон келтирган ва солиҳ амалларни қилганларига мағфират ва буюк ажрни ваъда қилди».

Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ, У Зот Ўз ваъдасига асло хилоф қилмайди. Саҳобалар – улуғ инсонлар. Пайғамбаримизнинг суҳбатларини топишдан ҳам улуғроқ бахт борми дунёда?! Шунинг учун ҳам ҳар бир мусулмон саҳобаи киромларнинг ҳурматларини ўрнига қўйиши лозим. Уларга нисбатан беодоблик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадиси шарифларидан бирида: «Саҳобаларимни сўкманглар, менинг нафсим кўлида бўлган Зот билан қасамки, агар бирортангиз Ухуд тоғидек олтин нафақа қилсангиз ҳам, уларнинг биттасининг бир муддига (оғирлик ўлчови) тўғри келмайди», – деганлар.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло барчамизни саҳобаи киромлардан ўрнак олиб, уларни ҳурматлаб яшашга муяссар қилсин.

Манба: «Тафсири Ҳилол»
Фатҳ сураси

Набийларнинг Хотимиман

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: بُعِثْتُ مِنْ خَيْرِ قُرُونِ بَنِي آدَمَ قُرْنَا فَقُرْنَا حَتَّى كُنْتُ مِنَ الْقَرْنِ الَّذِي كُنْتُ فِيهِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мен асрма-аср, токи ўзим бўлган асрга етиб келгунимча, Бану Одамнинг энг яхши асрларидан юборилганман», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: أَنَا سَيِّدُ وَلَدِ آدَمَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَأَوَّلُ مَنْ يَنْشَقُّ عَنْهُ الْقَبْرُ، وَأَوَّلُ شَافِعٍ وَأَوَّلُ مُشَفَّعٍ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَكَفْظُهُ: أَنَا سَيِّدُ وَلَدِ آدَمَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَبِيَدِي لَوَاءُ الْحَمْدِ وَلَا فَخْرَ وَمَا مِنْ نَبِيٍّ يَوْمَئِذٍ آدَمَ فَمَنْ سِوَاهُ إِلَّا تَحْتَ لَوَائِي وَأَنَا أَوَّلُ مَنْ تَنْشَقُّ عَنْهُ الْأَرْضُ وَلَا فَخْرَ.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қиёмат куни мен Одам фарзандининг саййидидирман. Устидан қабр биринчи ёриладиган шахсдирман. Биринчи шафоат сўровчидирман. Биринчи шафоат қилинувчидирман», дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Термизийнинг лафзида:

«Қиёмат куни мен Одам фарзандининг саййидидирман ва фахрланиш эмас-ку, қўлимда ҳамд байроғи бўладир. Ҳеч бир набий йўқки, Одамми, ундан бошқасими, ҳаммаси менинг байроғим остида бўлмаса. Фахр эмас-ку, мен устидан қабр биринчи ёриладиган шахсдирман».

عَنْ وَائِلَةَ بْنِ الْأَسْقَعِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ اللَّهَ

أَصْطَفَى كِنَانَةَ مِنْ وَلَدِ إِسْمَاعِيلَ وَأَصْطَفَى قُرَيْشًا مِنْ كِنَانَةَ وَأَصْطَفَى مِنْ قُرَيْشِ بَنِي هَاشِمٍ وَأَصْطَفَانِي مِنْ بَنِي هَاشِمٍ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Восила ибн Асқаъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ валади Исмоилдан Кинонани танлаб олди. Кинонадан Қурайшни танлаб олди. Қурайшдан Бану Ҳошимни танлаб олди. Бану Ҳошимдан мени танлаб олди», дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ مَثَلِي وَمَثَلِ الْأَنْبِيَاءِ مِنْ قَبْلِي كَمَثَلِ رَجُلٍ بَنَى بَيْتًا فَأَحْسَنَهُ وَأَجْمَلَهُ إِلَّا مَوْضِعَ لَبَنَةٍ مِنْ زَاوِيَةِ فَجَعَلَ النَّاسُ يَطُوفُونَ بِهِ وَيَعْجَبُونَ لَهُ وَيَقُولُونَ: هَلَّا وُضِعَتْ هَذِهِ اللَّبَنَةُ قَالَ: فَأَنَا اللَّبَنَةُ وَأَنَا خَاتَمُ النَّبِيِّينَ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, менинг ва мендан олдинги анбиёларнинг мисоли худди бир уйни яхшилаб, чиройли қилиб қуриб, бир бурчагидан бир ғиштнинг ўрнини қолдириб қўйган кишига ўхшайди. Одамлар уни айланиб кўриб, қойил қолишади ва:

«Мана шу ғишт ҳам ўрнига қўйилганда эди!» дейишади. Мен ўша ғиштман. Мен набийларнинг хотимиман», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

عَنْ قَيْسِ بْنِ مَخْرَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: وُلِدْتُ أَنَا وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَامَ الْفِيلِ.

Қайс ибн Махрама розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мен ҳам, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам фил йили туғилганмиз».

وَسَأَلَ عُثْمَانُ بْنُ عَفَّانَ قُبَاتَ بْنَ أَشِيمَ بْنِ لَيْثٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ:
أَأَنْتَ أَكْبَرُ أَمْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَكْبَرُ مِنِّي
وَأَنَا أَقَدَمُ مِنْهُ فِي الْمِيلَادِ وَوُلِدَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَامَ الْفِيلِ وَرَفَعَتْ
بِي أُمِّي عَلَى الْمَوْضِعِ وَرَأَيْتُ خَرَّةَ الْفِيلِ أَحْضَرَ مَحِيلاً. رَوَاهُمَا
التِّرْمِذِيُّ بِسَنَدٍ حَسَنٍ.

«Усмон ибн Аффон Қубоса ибн Ашям ибн Лайс розияллоҳу анхудан:

«Сен каттамисан, Расулulloҳми?» деб сўради.

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мендан катталар. Мен у кишидан туғилишда қадимгироқман. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фил йили туғилганлар. Онам мени маконига кўтариб борганида филнинг ўзгариб кетган яшил тезагини кўрганман», деди».

أَمَّا نَسَبُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَهُوَ مُحَمَّدٌ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ابْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبْدِ
الْمُطَّلِبِ بْنِ هَاشِمِ بْنِ عَبْدِ مَنَافٍ بْنِ قُصَيِّ بْنِ كِلَابِ بْنِ مُرَّةَ
بْنِ كَعْبِ بْنِ لُؤَيِّ بْنِ غَالِبِ بْنِ فَهْرِ بْنِ مَالِكِ بْنِ النَّضْرِ بْنِ
كَنَانَةَ بْنِ خُزَيْمَةَ بْنِ مُدْرِكَةَ بْنِ إِلْيَاسَ بْنِ مُضَرَ بْنِ نِزَارِ بْنِ مَعَدِّ
بْنِ عَدْنَانَ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг насаблари: у зот – Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмуттолиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф ибн Қусай ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн Луъай ибн Голиб ибн Феҳр ибн Малик ибн ан-Назр ибн Кинона ибн Ҳузайма ибн Мудрика ибн Илъяс ибн Музар ибн Низар ибн Маъдд ибн Аднан».

Бухорий ривоят қилган.

عَنْ جُبَيْرِ بْنِ مُطْعَمٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: لِي خَمْسَةٌ
أَسْمَاءَ أَنَا مُحَمَّدٌ وَأَخِي وَأَنَا الْمَاحِي الَّذِي يَمْحُو اللَّهُ بِِي الْكُفْرَ
وَأَنَا الْحَاشِرُ الَّذِي يُحْشِرُ النَّاسَ عَلَى قَدَمِي وَأَنَا الْعَاقِبُ. رَوَاهُ
الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Жубайр ибн Мутъим розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам менга бешта исмни айтдилар:

«Мен Муҳаммадман. Мен Аҳмадман. Мен Моҳийман, Аллоҳ мен ила куфрни маҳв этур. Мен Ҳоширман, Аллоҳ менинг икки қадамим олдига одамларни ҳашр этур. Мен Оқибман», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رُبْعَةً مِّنَ الْقَوْمِ
لَيْسَ بِالطَّوِيلِ وَلَا بِالْقَصِيرِ أَزْهَرَ اللَّوْنِ لَيْسَ بِأَبْيَضَ أَمْهَقَ وَلَا
أَدَمَ لَيْسَ بِجَعْدٍ قَطَطٍ وَلَا سَبِطَ رَجُلٍ أَنْزَلَ عَلَيْهِ وَهُوَ ابْنُ
أَرْبَعِينَ فَلَيْثَ بِمَكَّةَ عَشْرَ سِنِينَ يُنْزَلُ عَلَيْهِ وَبِالْمَدِينَةِ عَشْرَ سِنِينَ
وَقُبُضَ وَلَيْسَ فِي رَأْسِهِ وَحْيَتِهِ عَشْرُونَ شَعْرَةً بَيْضَاءَ.

Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қавмининг ичида ўрта бўйли: новча ҳам эмас, пакана ҳам эмас, тиниқ рангли – ўта оппоқ ҳам эмас, ўта бугдой ранг ҳам эмас, (сочлари) ўта жингалак ҳам эмас, ўта юмшоқ ҳам эмас эдилар. Қирқ ёшларида у зотга (ваҳий) нозил этилди. Бас, Маккада ўн йил (ваҳий) нозил бўлиб турди. Мадинада ўн йил. У зот қабз қилинганларида соч ва соқолларида йигирмата ҳам оқ тола йўқ эди».

عَنْ الْبَرَاءِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَجُلًا مَرُوعًا بَعِيدَ
مَا بَيْنَ الْمَنْكَبَيْنِ عَظِيمَ الْجُمَةِ إِلَى شَحْمَةِ أُذُنَيْهِ عَلَيْهِ حُلَّةٌ حَمْرَاءُ
مَا رَأَيْتُ شَيْئًا قَطُّ أَحْسَنَ مِنْهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. رَوَاهُمَا الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Баро розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрта бўйли, елкалари кенг, сочлари кўп бўлиб, елкаларига тушиб турадиган киши эдилар. Устиларида қизил рангли кийим бўларди. Ҳеч қачон у зот соллаллоҳу алайҳи васалламдан гўзалроқ ҳеч нарсани кўрмаганман».

Иккисини икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар.

Манба: «Саҳихул Бухорий»



Пайғамбар – оддий инсон

Пайғамбар башардан бўлиши таъкидланди. Энди пайғамбар башар бўлганда ҳам, оддий башар эканини таъкидлаш лозим бўлади. Чунки баъзи тушунмаганлар пайғамбар башар бўлса ҳам, ғайри оддий башар бўлиши лозим, деган фикрга боришлари мумкин. Зотан, авваллари шундай бўлган ҳам. Аллоҳ таоло бу масалани Фурқон сурасида қуйидагича муолажа қилади:

وَقَالُوا مَا لِذَا الرَّسُولِ يَأْكُلُ الطَّعَامَ وَيَمْشِي فِي الْأَسْوَاقِ لَوْلَا أَنْزَلَ إِلَيْهِ مَلَكٌ فَيَكُونُ مَعَهُ نَذِيرًا ﴿٧﴾ أَوْ يُنزلُ إِلَيْهِ كِتَابٌ أَوْ تَكُونُ لَهُ جَنَّةٌ يَأْكُلُ مِنْهَا وَقَالَ الظَّالِمُونَ إِنْ تَتَّبِعُونَ إِلَّا رَجُلًا مَسْحُورًا ﴿٨﴾

«Бу не расулки, таом еб, бозорда юрадир?! Унга бир фаришта туширилса эди, у билан бирга огоҳлантирувчи бўлар эди. Ёки унга хазина ташланса ёхуд унинг боғи бўлса-ю, ундан еса», дейишди. Золимлар: «Сизлар фақат сеҳрланган кишига эргашяписизлар, холос», дедилар» (7-8-оятлар).

Қадимдан одамларга ўзларига ўхшаган

оддий инсоннинг пайғамбар бўлиши ғалати туюлиб келган. Уларнинг тасаввурларида, пайғамбар қандайдир бошқача, ғайриоддий хусусиятларга эга бўлиши керак.

«Бу не расулки, таом еб, бозорда юрадир?!»

Пайғамбарлар оддий одамдирлар. Улар ҳам таом ейдилар, бозорга бориб, савдосотиқ қиладилар ва бошқа тирикчилик ишларини бажарадилар. Мушриклар бу ишларни ўзларича, камчилик, пайғамбарга тўғри келмайдиган иш, деб баҳоладилар. Уларнинг фикрича, пайғамбар овқат емаслиги, бозорда юрмаслиги ва инсонга оид бошқа ишларни қилмаслиги керак.

«Унга бир фаришта туширилса эди, у билан бирга огоҳлантирувчи бўлар эди».

Чунки кофирларнинг фикрича, Пайғамбар бўлишга одамдан кўра фаришта лойиқроқдир.

Лекин улар Аллоҳ таоло Одамни яратибок фаришталарни унга сажда қилишга буюрганини унутадилар. Яъни Аллоҳ ҳузурларида одам фаришталардан устун эканини эсдан чиқарадилар.

Одамларга йўлбошчи бўлиш учун, уларга ўрناق бўлиш учун ўзларига ўхшаш одам-

дан пайғамбар бўлиши улкан ҳикматга молик эканини улар қаердан билсинлар?

Аллоҳ таоло юқоридаги даъволарга жавобан Фурқон сурасининг давомида қуйидагиларни айтади:

وَمَا أَرْسَلْنَا قَبْلَكَ مِنَ الْمُرْسَلِينَ إِلَّا أَنْهُمْ
لِيَأكُلُوا الطَّعَامَ وَيَمْشُوا فِي الْأَسْوَاقِ
وَجَعَلْنَا بَعْضَكُمْ لِبَعْضٍ فِتْنَةً أَنْتَصِرُونَ
وَكَانَ رَبُّكَ بَصِيرًا ﴿٢٠﴾

«Сендан олдин юборган расулларимиз ҳам, албатта, таом ер ва бозорларда юрар эдилар. Баъзиларингизни баъзиларингизга синов қилдик. Сабр қилармикансизлар?! Роббинг кўриб турувчидир» (20-оят).

Эй ҳабибим Муҳаммад, сен мушрикларнинг қилаётган бўҳтонларидан хафа бўлма. Уларнинг гаплари эътиборсиз. Жумладан, «Бу қандай пайғамбарки, таом ер ва бозорларда юрар», деган гаплари ҳам беҳуда.

«Сендан олдин юборган расулларимиз ҳам, албатта, таом ер ва бозорларда юрар эдилар».

Сенга ўхшаган таом еб, бозорларда юрадиган оддий башарни пайғамбар қилишимиз янгилик ёки ажабланадиган иш эмас. Қадимдан жорий қилинган иш. Бу ишга қарши чиққанлар сенга эмас, Аллоҳнинг жорий одатига қарши чиққан бўладилар. Биз шундай қилиб:

«Баъзиларингизни баъзиларингизга синов қилдик».

Оддий башардан пайғамбар юбориб, одамларни синовга учратдик, баъзилари синовдан ўта олмай, «Оддий башар ҳам пайғамбар бўладими?» деб йўлдан адашди. Уларнинг бу тасарруфлари эса иймонлилар учун синов бўлди. Қани:

«Сабр қилармикансизлар?!»

Мушрикларнинг инкорига чидаб, илоҳий даъват оддий башар воситаси ила тарқалишига сабр қила олармикансизлар?

«Роббинг кўриб турувчидир».

Роббинг ҳар бир нарсанинг зоҳиринигина эмас, ҳақиқатини ҳам кўрувчи Зотдир. Шунинг учун Ўзи билиб ҳикмат ила тасарруф қилади. Бандаларнинг иши Аллоҳнинг тасарруфини муҳокама қилиш эмас, балки амрларини бажо келтиришдир.

Пайғамбарлар маъсумдир

Пайғамбар алайҳиссаломларнинг оддий кишилардан ажраб турадиган бирдан-бир сифатлари маъсумликларидир. Яъни маъсият қилиш, шаҳватларга берилиш, муруватга футур етказадиган ва инсонлик қадрини кетказадиган нарсалардан четда бўлишларидир.

Пайғамбар алайҳиссаломлар одамларнинг энг гўзал ахлоқлилари, энг пок амал қиладиганлари, энг юраги тозалари ва тасарруфотлари энг тўғрилари дидирлар.

Пайғамбар алайҳиссаломларнинг маъсумликлари «исмат» тушунчаси асосидадир.

«Исмат» сўзи луғатда «ман қилиш» – «сақлаш» маъносини англатади. «Исмат»нинг шаръий маъноси эса «Аллоҳ таолонинг Ўз пайғамбар ва набийларини гуноҳ ва маъсият ҳамда мункар ва ҳаром ишларни қилишдан сақлашидир».

Шунингдек, Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарларини хулқий ва жасадий айблардан ҳамда бошқалар нафрат қиладиган касалликлардан ҳам асрагандир. Чунки Аллоҳ таоло одамларни у зотларга эргашишга, иқтидо қилишга ва уларнинг йўлидан юришга амр қилгандир. Пайғамбар алайҳиссаломлар барча башарга яхши ўрнақдирлар. Агар улардан маъсият ва мункар ишлар содир бўлиши жоиз бўлса ёки мазкур нуқсонлардан бирортаси мавжуд бўлса, у нарсалар шариатда бор нарсаларга айланиб қолади. Бу эса мутлақо мумкин эмасдир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарларини маъсум қилгандир. Аллоҳ таоло барча пайғамбарларни Ўзининг доимий инояти ила ўрагандир. У Зот Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб қилиб:

لِحُكْمِ رَبِّكَ فَإِنَّكَ بِأَعْيُنِنَا

«Бас, Роббингнинг ҳукмига сабр қил. Албатта, сен риюямиздасан», деган (Тур сураси, 48-оят).

Афсуски, бошқа динларда Пайғамбар алайҳиссаломларга турли гуноҳларни қилганлик нисбатлари берилади.

Пайғамбар омонатли бўлади

Бунда пайғамбар алайҳиссаломлар ўзларига Аллоҳ таолодан берилган рисолатни бир ҳарфини ҳам ўзгартирмай, омонат

ила умматларга етказиши кўзда тутилган. Улар Аллоҳ таолодан келган ваҳийни худди ўзи каби одамларга етказадилар. Унинг бирор ҳарфини камайтирмайдилар ҳам, унга бирор ҳарф зиёда ҳам қилмайдилар.

Бу маънода Қуръони Каримнинг Оламлар Роббидан туширилган ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уни омонат ила етказишлари ҳамда агар, фаразан, Пайғамбар алайҳиссалом бу омонатга хиёнат қилсалар, Аллоҳ таоло у кишини дарҳол жазолаши ҳақида Ҳаққо сурасида қуйидагилар айтилади:

﴿۴۰﴾ إِنَّهُ لَقَوْلُ رَسُولٍ كَرِيمٍ

«Албатта, у (Қуръон) карамли Расулнинг сўзидир» (40-оят).

Яъни Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзидир.

Бу ерда Қуръони Каримнинг Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбат берилиши у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам у каломни тиловат қилувчи ва кишиларга етказувчи эканликлари эътиборидандир.

﴿۴۱﴾ وَمَا هُوَ بِقَوْلِ شَاعِرٍ قَلِيلًا مَّا نُنُومُنُ

«Ва у шоирнинг сўзи эмас. Нақадар оз ишонасизлар-а!» (41-оят)

Яъни: шундай эканлигига ишонмайсизлар.

﴿۴۲﴾ وَلَا يَقُولُ كَاهِنٍ قَلِيلًا مَّا نَذْكُرُونَ

«Ва у фолбиннинг сўзи ҳам эмас. Нақадар оз эслайсизлар!» (42-оят)

Яъни: эсламайсизлар.

﴿۴۳﴾ نَزِيلٌ مِّن رَّبِّ الْعَالَمِينَ

«Оламлар Роббидан нозил қилинган-дир» (43-оят)

Қуръон Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўз сўзи эмас. Қуръон оламларнинг Робби томонидан туширилган каломдир. Муҳаммад алайҳиссалом уни етказувчи, холос. Агар у киши алайҳиссалом Қуръоннинг ҳаммасини ёки битта сурасини ўзидан тўқиб, «Бу Аллоҳнинг гапи» дейиши у ёқда турсин, баъзи бир қавлларни тўқиб, Аллоҳга нисбат берса ҳам, соғ қолиши мумкин эмас.

﴿۴۴﴾ وَلَوْ نَقُولُ عَلَيْنَا بَعْضُ الْأَقَابِيلِ

«Ва агар у Бизга баъзи ёлгон сўзларни тўқиганида...» (44-оят)

Яъни: агар Муҳаммад Бизнинг номимиздан, мушриклар даъво қилаётганидек, баъзи сўзларни тўқиса, ҳозиргига ўхшаб, соғсаломат, турли мўъжизаларга соҳиб бўлиб, гуноҳлардан маъсум бўлиб, одамлар ёмонлигидан сақланиб юрмас эди. Ундай бўлса,

﴿۴۵﴾ لَأَخَذْنَا مِنْهُ بِالْيَمِينِ

«Уни қудрат билан албатта тутамиз» (45-оят).

Яъни: Биз ундан Ўз қувватимиз ва Ўз қудратимиз ила интиқом олган бўлур эдик.

﴿۴۶﴾ ثُمَّ لَقَطْنَا مِنْهُ الْآلَتِينَ

«Сўнгра унинг шоҳ томирини албатта кесамиз» (46-оят).

«Шоҳ томир» деганда юракнинг бош томири тушунилади. Албатта, ўша томири узилган одам соғ қолмайди, дарҳол ўлади. Демак, агар Муҳаммад алайҳиссалом Қуръонга ўзларича бирор нарсани қўшиб, бу ҳам Аллоҳдан, дегудек бўлсалар, Аллоҳ у кишини дарҳол ҳалок қилиши турган гап экан. Бу Қуръони Карим Аллоҳнинг соғ каломи эканига ёрқин далилдир.

﴿۴۷﴾ فَمَا مِنْكُمْ مِّنْ أَحَدٍ عَنْهُ حَاجِزِينَ

«Бас, сизлардан ҳеч ким уни тўсиб қолувчи бўлмас» (47-оят).

Яъни: фаразан, Биз уни азобламоқчи бўлсак, сизлардан ҳеч бирингиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Бизнинг азобимиздан тўсиб қола олмайди.

Бошқа пайғамбарларга муносабат ҳам худди шундай бўлган.

Пайғамбарлар ўз қавми тилида юборилади

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Иброҳим сурасида марҳамат қилиб:

﴿۴﴾ وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ رَّسُولٍ إِلَّا بِلِسَانٍ قَوْمِهِ
لِيُبَيِّنَ لَهُمْ فَيُضِلَّ اللَّهُ مَنْ يَشَاءُ وَيَهْدِي مَنْ يَشَاءُ
وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

«Қайси бир расулни юборган бўлсак, баён қилиб бериши учун, ўз қавми тили ила юборганмиз» дейди (4-оят).

Барча пайғамбарларни ўз қавми тили ила юбориш ҳам Аллоҳнинг бандаларига берган неъматидир. Чунки бошқа қавм тилини тушуниш қийин бўлар эди. Ҳа, ҳамма пайғамбарлар ўз қавмларига юборилганлар ва уларга ўз қавмлари тилида ваҳий келган.

Бутун оламларга ва барча қавмларга Пайғамбар бўлган Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам ўз қавмларининг тили, яъни араб тилида ваҳий келди. Бунинг асосий ҳикматларини Аллоҳнинг Ўзи билади. Аммо бу ўринда уламоларимиз мулоҳаза қилган ҳикматлардан баъзиларини айтиб ўтиш жоиздир.

Бошқа пайғамбарлар маълум қавмга ва маълум муддатга келган бўлсалар, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қавмларнинг ҳаммасига қиёмат кунига қадар Пайғамбар қилиб юборилганлар. У кишининг умрлари чекланган. Шунинг учун динни ҳамма қавмларга ўзлари етказишлари қийин. Шунга биноан, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг охириги дини таълимотларини ўз қавмларига, қавмлари эса уни бутун дунёга тарқатади. Дарҳақиқат, шундай ҳам бўлди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Ислом дини араблар яшаб турган ерларга ёйилиб бўлиши билан вафот этдилар. Исломни дунёнинг қолган қисмига у кишининг қавмлари етказдилар.

Турли макон ва замонларда яшайдиган ҳар хил қавмларга бир Пайғамбарни турли тиллар билан юбориб бўлмас эди. Аввало, бу ишни адо этиш жисмонан амри маҳол. Қолаверса, дунёда хилма-хил тиллар жуда кўп. Ҳозирги тиллар ичида Исломнинг илоҳий китоби Қуръони Карим нозил бўлганидан кейин пайдо бўлганлари ҳам бор. Демак, ҳар бир қавмга ўз тилида ваҳий келиши керак бўлса, кейин пайдо бўлган тилларда сўзлашувчилар нима бўларди?

Қолаверса, тилларнинг имкониятлари ҳам ҳар хил. Шунинг учун Аллоҳ таоло энг бой ва каломининг абадий мўъжиза бўлиб қолишини ҳам кўтара оладиган тил – араб тилини танлаб, ўша тилда қиёматгача боқий қоладиган китоби – Қуръони Каримни туширди. Қавмлар, тиллар, лаҳжалар, замонлар алмашаверади, аммо Қуръон мўъ-

жиза бўлиб тураверади. Ундан араб ҳам, ажам ҳам, оқ ҳам, қора ҳам баробар фойда олаверади.

Ҳа, Пайғамбар ўзига келган илоҳий таълимотларни одамларга баён қилиб беради. Шу билан унинг вазифаси тугайди. Қолгани Аллоҳнинг ихтиёрида.

Пайғамбарларнинг бир-бирларидан фазли ҳақида

Бу масалада етарли маълумотга эга бўлишимиз учун Бақара сурасидаги қуйидаги ояти каримани батафсил ўрганиб чиқишимиз лозим бўлади:

تِلْكَ الرُّسُلُ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ مِنْهُمْ مَنْ كَلَّمَ
اللَّهُ وَرَفَعَ بَعْضَهُمْ دَرَجَاتٍ ۗ وَآتَيْنَا عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ
الْبَيِّنَاتِ وَأَيَّدْنَاهُ بِرُوحِ الْقُدُسِ ۗ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ
مَا أَقْتَلْنَا الَّذِينَ مِنْ بَعْدِهِمْ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَتْهُمْ
الْبَيِّنَاتُ ۗ وَلَكِنْ اٰخْتَلَفُوْا فَمِنْهُمْ مَنْ ءَامَنَ وَمِنْهُمْ
مَنْ كَفَرَ ۗ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ مَا أَقْتَلْتُمْ وَلَكِنْ اللَّهُ يَفْعَلُ مَا يُرِيدُ

«Ана ўшалар расуллардир. Уларнинг баъзиларини баъзиларидан афзал қилдик. Улардан Аллоҳ гаплашгани бор ва баъзиларининг даражасини кўтарган. Ва Ийсо ибн Марямга очиқ-ойдин мўъжизалар бердик ва уни Муқаддас руҳ билан қўлладик» (253-оят).

Қуръони Каримнинг ҳар бир сўзидан, ҳар бир ҳарфидан катта-катта маънолар келиб чиқади. Бу ҳақиқатни кишилар тушуниб етишлари керак, холос. Ушбу ояти кариманинг аввалида «Ана ўшалар» деган сўз келмоқда. Бу пайғамбар алайҳиссаломларга нисбатан бўлган эҳтиром рамзидир. «Улар», «анавилар» ёки шунга ўхшаш бошқа сўзларни ишлатмасдан, айнан,

«Ана ўшалар расуллардир», дейилиши улкан ҳурматга далолат қилади.

Ояти каримада пайғамбарлар ва пайғамбарликлар ҳақида умумий маълумот келмоқда. Шу билан бирга, баъзи пайғамбарларнинг баъзиларидан фазли устун экани ва ўша устунлик нимада экани ҳам билдириб ўтилмоқда.

«Баъзиларини баъзиларидан афзал қилдик».

Мазкур фазл Пайғамбар алайҳиссаломларни ўраб турган муҳитга боғлиқ. Мисол

учун, баъзи пайғамбарлар бир қабилага, бошқалари бир авлодга, яна бирлари бир умматга, баъзилари эса барча умматлар ва авлодларга юборилган бўладилар.

Шунингдек, бу фазллар пайғамбарликнинг табиатига, унинг инсон ҳаётини қанчалик қамраб олишига ҳам боғлиқдир.

Ояти каримада мазкур ҳолга иккита мисол келтирилади:

«Улардан Аллоҳ гаплашгани бор».

Яъни пайғамбарлар ичида Аллоҳ у билан гаплашгани бор. Аллоҳ билан гаплашиш ҳақида сўз кетганда, албатта, Мусо алайҳиссалом ёдга тушадилар. Бу маъно озми-кўпми, диндан хабардор барча кишиларга маълум. Шунингдек, Қуръони Каримда ҳам бир неча бор такрорланган ҳақиқатдир. Мусо алайҳиссаломнинг лақаблари «Калиймуллоҳ»дир. Яъни «Аллоҳ ила сўзлашган». Шунинг учун ҳам оятда у кишининг номлари айтиб ўтирилмади.

«...ва баъзиларининг даражасини кўтарган».

Аллоҳ таоло Ўз ҳикмати ила баъзи пайғамбарларининг даражасини кўтариб қўйган. Бу ҳам маълум ва машҳур.

«Ва Ийсо ибн Марямга очиқ-ойдин мўъжизалар бердик ва уни Муқаддас руҳ билан қўладик».

Қуръони Карим доимо Ийсо алайҳиссаломни оналари Биби Марямга нисбат бериб зикр қилади. Бу билан у кишининг инсон эканликларини таъкидлайди ва у зот ҳақидаги турли афсоналарнинг бекор эканлигини исбот қилади.

У кишига берилган «очиқ-ойдин мўъжизалар» ҳақида ҳам кўплаб оятлар келган. Буларга у кишига туширилган Инжил китоби ва у кишига Аллоҳ берган бошқа турли мўъжизалар киради. «Муқаддас руҳ» деб таржима қилинган «Руҳул қудус»дан мурод Жаброил фаришта алайҳиссаломдир. У ваҳийга хизмат қилувчи, Аллоҳнинг ваҳийсини пайғамбарларга етказувчи фариштадир. Қайси пайғамбарга Жаброил алайҳиссалом келсалар, катта қўллаш ҳисобланган.

Ояти каримада Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзларига хитоб бўлаётгани учун, у зотнинг фазллари зикр қилинмади. Ҳамма пайғамбарлар ичида Муҳаммад алайҳиссаломга назар соладиган бўлсак, у зот энг

олий чўққида турадилар. Пайғамбарликнинг ҳамма нуқтаи назаридан қараганда, у зотнинг пайғамбарликлари ҳаммадан устун туради. У кишининг пайғамбарликлари барча авлодлар, барча умматлар ва халқлар учундир. У кишининг пайғамбарликлари қиёмат кунига қадар бардавомдир. У кишининг пайғамбарликлари тўлиқ, ҳеч қандай камчиликсиз ва кишиларга икки дунё саодатини берувчи пайғамбарликдир. Шунинг учун ҳам у кишидан кейин ваҳий келиши тўхтаган.

Аллоҳ таоло бошқа ҳамма пайғамбарларга берган фазилатларни жамлаб, Муҳаммад алайҳиссаломга бергандир. Шундай бўлса ҳам, Пайғамбаримиз алайҳиссалом Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда: «Мени бошқа пайғамбарлардан устун қўйманглар», дейдилар.

Нақадар улуғ камтарлик, буюк тавозуъ!

Уламоларимиз ушбу оят ва ҳадисдаги маъноларнинг бир-бирига қарама-қарши эмаслигини таъкидлаб: «Оятда воқеъликдан хабар берилган, ҳадис Пайғамбар алайҳиссаломнинг камтарликларига, пайғамбарларнинг фазлини белгилаш Аллоҳнинг иши эканлигига далолат», деганлар.

Аммо пайғамбарларнинг пайғамбар эканликлари ва Аллоҳ таолонинг мустафо бандалари эканликларида ҳеч қандай фарқ қилинмайди. Бу ҳақда Бақара сурасининг охирида айтиладики:

ءَاَمَنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ
كُلٌّ ءَاَمَنَ بِاللَّهِ وَمَلَيْكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ لَا نُفَرِّقُ بَيْنَ
أَحَدٍ مِّن رُّسُلِهِ وَقَالُوا سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا غُفْرَانَكَ
رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ ﴿٢٨٥﴾

«Расулларининг бирорталарини ажратмаймиз» (285-оят).

Яъни Аллоҳ юборган барча пайғамбарларга бирдек иймон келтирамиз. Бирорталарини ажратиб қўймаймиз.

Пайғамбарларни бирдай кўриш, уларга бирдек иймон келтириш ва уларни тенг эъзозлаб, ҳурмат қилиш мусулмон умматининг асосий қоидасидир. Шунга кўра, бу уммат барча илоҳий шариятларнинг меросхўри бўлди. Чунки мазкур пайғамбарларнинг барчасига тушган дин Ислом бўлган.

Сунний Ақийда китобидан олинди

Бола асраб олиши

Болани қарамоғига олиш Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларида ҳам бўлган. У зот Зайд ибн Хорисани ўзларига ўғил қилиб олганлар. Аввалида Зайд ибн Хорисани Зайд ибн Муҳаммад дейишар эди. Аллоҳ таоло «Аҳзоб» сураси 5-оятда:

Аллоҳ асранди фарзандлар ҳақида қуйидаги йўлни кўрсатади:

ادْعُوهُمْ لِآبَائِهِمْ هُوَ أَقْسَطُ عِنْدَ اللَّهِ ۚ فَإِنْ لَمْ تَعْلَمُوا
آبَاءَهُمْ فَاِخْوَانَكُمْ فِي الدِّينِ وَمَوَالِيكُمْ ۚ وَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ
فِيمَا أَخْطَأْتُمْ بِهِ وَلَكِنْ مَّا تَعَمَّدَتْ قُلُوبُكُمْ ۚ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا
رَّحِيمًا

Уларни ўз оталарининг номи билан чақиринглар. Ана шу Аллоҳнинг наздида тўғридир. Агар оталарини билмасангиз, улар сизнинг дин қардошларингиз ва дўстларингиздир. Билмасдан қилган хато нарсангиз учун сизга гуноҳ йўқ, бироқ қалбларингиз қасд қилган нарсада (бор). Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир.

Бу оятлар нозил бўлгунича, одамлар бировнинг боласини ўғил қилиб олиб юрганлар. Инсонлар жамиятдаги мавжуд тушунча, урф-одатлар ила иш тутишган. Энди эса оят нозил бўлиб, бу одатни ботил қилди. Ўз-ўзидан, одамларда «Нима қи-

лиш керак, аввал асраб олинган фарзанд хусусида нима қиламиз?», «Олдинги ишларимиз учун ҳам жавоб берамизми?» каби саволлар пайдо бўлади. Ушбу ояти карима ана шу саволларга жавоб бермоқда.

«Уларни ўз оталарининг номи билан чақиринглар. Ана шу Аллоҳнинг наздида тўғридир».

Яъни: «Асраб олинган фарзандларни асраб олган одамнинг номи билан эмас, ўзининг ҳақиқий отаси номи билан чақиринглар».

Имом Бухорий ва имом Муслим ҳазрати Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан қуйидагиларни ривоят қиладилар:

«Расулulloҳнинг мавлолари – дўстлари Зайд ибн Хорисани фақат «Зайд ибн Муҳаммад», деб чақирар эдик. Қуръони Каримнинг «Уларни ўз оталарининг номи билан чақиринглар. Ана шу Аллоҳнинг наздида тўғридир» ояти нозил бўлганидан кейин Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Зайдга: «Сен Зайд ибн Хориса ибн Шурҳабийлсан», – дедилар».

«Агар оталарини билмасангиз, улар сизнинг дин қардошларингиз ва дўстларингиздир».

Мабодо, асраб олинган боланинг ҳақиқий отаси ким экани маълум бўлмаса, улар сизга Исломи дини бўйича қардош бўлади-

лар. «Дин қардошим», деб мурожаат қилинганлар. Ёки мавлоингиз, яъни дўстларингиз бўладилар. «Эй дўстим», деб мурожаат қилинганлар. Аммо, зинҳор «ўғлим», «фарзандим» деб мурожаат қилманганлар.

Ушбу оятлар нозил бўлгунга қадар бировнинг боласини «фарзандим» деб, унга ўз сулбидан бўлган фарзандига қилган муомалани қилиб юрганлар бу ҳақдаги илоҳий ҳукмни билмаган эдилар.

«Билмасдан қилган хато нарсангиз учун сизга гуноҳ йўқ...»

Шунинг учун бу оятлар нозил бўлгунча қилган ишларингизни ўйлаб, хижолат бўлманг, энди ҳукмни билдингиз, унга амал қилишга ўтинг.

«...бирок қалбларингиз қасд қилган нарсада (бор)».

Аммо ўша ишни билмасдан эмас, билиб туриб қилган бўлсангиз, гуноҳга қоласиз. Бировнинг боласини «ўз болам» деб даъво қилиш гуноҳ эканини билиб туриб, шу ишни қилсангиз, гуноҳ бўлади.

«Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир».

Ҳа, Аллоҳ ўта мағфиратли ва ўта раҳмли Зотдир.

Хатоларни кечиради ва тўғри йўлни Ўзи лутф билан кўрсатади.

Дилингизда қасд қилган бўлсангиз ҳам, тавба қилсангиз, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир, кечиради, яъни билмасдан қилинган хато учун Аллоҳ сизни гуноҳдор қилмайди. Аммо қасддан қилган гуноҳингиздан ҳам қайтишга йўл бор».

Ушбу ояти каримнинг ҳукмига биноан, биров бегона болани ўз номига ўтказиб олиши, уни «ўз болам» дейиши ҳаромдир. Шунингдек, бировни «отам» деб танлаши ҳам катта гуноҳдир.

Имом Бухорий ва имом Муслимлар ривоят қилишларича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким ўзи билиб туриб, отасидан бошқанинг боласиман, деб даъво қилса, унга жаннат ҳаромдир», – деганлар.

Чунки Ислом кўзда тутган олти катта масаладан бири инсон наслини муҳофаза қилишдир. Шунинг учун ҳам никоҳ, талок, идда ва шунга ўхшаш кўпгина ҳукмлар жорий қилинган. Ҳамма нарса инсон наслининг тоза, пок, очиқ-ойдин бўлишига қаратилган. Агар шундай қилинмаса, ҳа-

ром-ҳалол аралашиб, ота боласини, бола отасини, она қизини, қиз онасини, ака сингисини, сингил акасини танимайдиган бўлиб кетади. Инсоният ҳалокатга учрайди. Насли бегона болани ўз наслидан бўлган болалари қаторига қўшиш билан кўпгина ҳаром-ҳариш ишлар юзага чиқади. Маҳрамлик-номаҳрамлик қоидалари бузилади. Бир куни келиб, ота ўз қизига ёки ака сингисига уйланиб қолиши мумкин. Мерос масаласида ва бошқа кўпгина масалаларда ҳам ўнглаб бўлмас хатолар вужудга келиши муқаррар. Шунинг учун Исломда бу иш ҳаром қилинган.

Аммо бу етим болани, қийинчиликда қолган оиланинг боласини боқиб олиш, тарбия қилиш мумкин эмас экан, дегани эмас. Аксинча, бундай қилинса, жуда ҳам савоб бўлади. Бу ишларни қилиш керак. Лекин бегона болани ўзининг номига ўтказиб олиш керак эмас, балки уни аслида кимнинг фарзанди бўлса, ўшанинг номида қолдириш керак. Ҳамда шариат ҳукмига мувофиқ боқиш, тарбиялаш лозим.

Ислом оилани мустаҳкамлашга катта эътибор берган. Оила доимо пок, мустаҳкам бўлиши, шариат ҳукмига биноан яшаши учун барча чораларни кўрган. Чунки оилалар пок бўлмагунча, жамият покланмайди. Оилалар мустаҳкам бўлмагунча, жамият мустаҳкам бўлмайди. Оилалар диндор бўлмагунча, жамият диндор бўлмайди. Ҳа, кўп нарса оиладан бошланади.

Қуръони Карим инсонларни аста-секин тарбиялаб, етук шахсларни ва мусулмон жамиятини етиштиришни буюрган. Одамларни жоҳилият ботқоғидан чиқариб, Ислом нурига рўбарў қилган. Жамиятни шакллантириб, илоҳий қонун-қоидалар асосида яшашни ўргатиб келган.

Юқоридаги оятларда инсонларнинг насабга, никоҳга тегишли ўзаро алоқаларининг илоҳий ҳукмга тўғри келадиган-келмайдиган жиҳатлари баён қилиб ўтилди. («Тафсири Ҳилол»)

Уламоларимиз ушбу оятдан бир неча ҳукмларни олдилар. Жумладан, боқиб олинган боланинг насаби ўзининг аслий отасидан собит бўлиши, боқиб олинган бола маҳрамларидан бўлмаса, ўзи ва унинг аёли боқиб олувчига номаҳрам бўлиши.

Манба: «Аёллар фиқҳи»

Сиз барҳаётсиз,

ЙА РАСУЛУЛЛОҲ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ...

Ҳар бир жон ўлим тотгувчидир, пайгамбарлар ҳам, мўмин-мусулмонлар ҳам, кофирлару мунофиқлар ҳам...

Инсон вафот этгандан сўнг, то қиёматгача барзах ҳаётида, яъни қабр ҳаётида бўлади. Ҳар бир ўлган одам, азобга лойиқ бўлса, қабрга кўмилса ҳам, кўмилмаса ҳам ўз насибасини тортади. Руҳлар барзахда турли даражада бўладилар. Пайгамбар алайҳиссаломларнинг руҳлари эса, энг олий тўпда, юксак иллийинда бўладилар. Уларнинг даражалари ҳам турлича бўлади. Бу борада ҳам Суюклигимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга бошқаларга берилмаган улуғ неъматлар берилган. Биз умматларнинг салавотлари, саломлари у кишига етказилиши, ул зоти муборак жавоб қайтаришлари, уммаларининг қилаётган ишлари кўрсатиб турилиши, яхши бардавон ишлардан мамнун бўлишлари, ёмон иш қилган умматлар ҳаққиға истиғфор айтишлари ва ҳоказо...

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳнинг Ер юзини айланиб юрувчи фаришталари умматим менга айтадиган салавот ва саломларни етказиб туришади», деганлар.

Яна бошқа ҳадисда: «Менинг тирикчим сизлар учун яхши, сабаби сизлар билан суҳбатлашамиз. Вафотимнинг сизлар учун яхшилиги, сизларнинг амалларингиз менга кўрсатиб турилади. Яхши амалларингиз учун Аллоҳга ҳамд айтаман. Ёмонлари бўлса, Аллоҳга сизлар учун истиғфор айтаман», деганлар. Ҳатто саҳобалар Пайгамбаримиз қабрлари олдида баланд овозда гапирмаганлар. Умар ибн Абдулазиз раҳматуллоҳи

алайҳ пайгамбаримизга жуда кўп салавот айтардилар. Мадина шаҳрига кетаётган одамни кўрсалар, Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрларини зиёрат қилиб, Умар ибн Абдулазизнинг номларидан салом етазишларини илтимос қилар эдилар.

Яна бошқа бир ҳадисда, Пайгамбаримиз алайҳиссалом: «Аллоҳ таоло бир фариштани қабрим олдида доим туриш учун амр қилиб, унга ҳамма инсонларнинг номларини бериб қўйди. Ким менга салавот айтса, ўша фаришта, «Эй Аллоҳнинг Расули, сизга фалонча киши фалонча марта саловат айтди» деб, менга етказиб туради. Аллоҳ унинг биргина айтган салавотига ўнта салавот айтади», деб марҳамат қилганлар.

Ассалату вассаламу алайка, йа Расуллуллоҳ,

Ассалату вассаламу алайка, йа Ҳабибуллоҳ...

Расуллуллоҳнинг жасадлари вафот топсалар ҳам, руҳлари тирик. Аллоҳ таоло у кишига шундай даража берган. Шундай Пайгамбар умматларимиз...

Аллоҳ Ерга унинг жасадини ейишни ҳаром қилган Пайгамбар умматимиз биз...

Қабрларида тирик, ризқланадиган набийнинг умматларимиз...

Аллоҳ ҳаётлик чоғларида ҳам вафот этганларида ҳам улуғ неъматлар берган набийнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) умматларимиз биз...

Бизни шундай умматлардан қилиб яратгани учун Яратган Эгамга беҳисоб ҳамдлар, Ўзининг энг суюкли, барҳаёт пайгамбари Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга чексиз салому дурудлар бўлсин...

Гулишода Муминова тайёрлади





Мавлидга оид савол жавоблар

1-савол:

Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари, ҳозир Мавлид оиди. Мавлид ўқиётган пайтда, баъзи жойларига келганда, имом домламиз ўрнимиздан туриб салавот айтишимиз кераклигини айтдилар, ҳамма туриб салавот айтди. Бунинг сабабини бир кишидан сўрасак, бу амални қилиш керак, бўлмаса гуноҳкор бўласизлар, деди, лекин сабабини сўраганимизда айтиб бера олмади, шу сабабли сизга муроҷат қиляпмиз. Худо ҳоҳласа, батафсил жавоб берасиз деган умиддамиз.

Жавоб:

Мавлидда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилишлари ҳақидаги жумлалар ўқилганда ўриндан туришни «маҳалли қиём» дейилади.

Маҳалли қиём ҳақида ва унда ўқиладиган матн ҳақидаги ихтилофлар кўпчилик афсусига сабаб бўлган. Мавлид яхши ниёт билан бошланган иш бўлганидан кейин, унда бу каби ноқулай ҳолатларнинг юзага келиши тамоман мақсадга номувофиқ ишдир.

Маҳалли қиёмда, яъни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилишлари ҳақидаги хабар ўқилганда Мавлид иштирокчиларининг ўриндан туришлари жуда ҳам тортишадиган масала эмас. Туришни истаганлар турсин, истамаганлар турмасин. Аммо, энг муҳими, ихтилоф қилмасин, бир-бирлари билан жанжаллашмасин.

Нима қилиб бўлса ҳам, бу масалада муслмонлар орасида ихтилоф кўзгалмаслиги учун чора кўриш лозим. Мандуб бидъат нарсани қиламан деб, ҳаром ишга қўл урмаслик лозим.

Энг муҳими, Мавлид маросимига келганлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақларида керакли маълумотларни олсинлар, ўзларида лозим бўлган маърифат ҳосил қилсинлар. Бидъат-хурфотларга мутлақо йўл қўйилмасин! Барча яхшиликлар тарғиб қилинсин!

2-савол:

Ҳурматли Устоз, қилаётган ишларингиздан Аллоҳ рози бўлсин! Амин.

Бугун Жумада масжид имоми Пайгамбаримизнинг Мавлид ойлари бағишлаб жуда ҳам гўзал бир маъруза уюштириб бердилар, Аллоҳ у кишидан рози бўлсин. Домла маъруза орасида: «Аллоҳ шундай марҳамат қилади» (оятми ёки ҳадиси қудсийми, айтмадилар) деб, давом этдилар: «Агар, эй Муҳаммад, Сизни яратмаганимда, Мен бу бутун оламни яратмаган бўлар эдим, деган».

Фазилатли Шайх Ҳазратлари, бу оятми ёки ҳадиси қудсийми? Сўрашимдан мақсад шуки, агар мен бошқа бир инсонга Аллоҳ шундай деган десам, у: «Бу гапни қаердан олдинг, далилинг борми?» деса, мен нима деб жавоб беришни билмай қоламан, чунки Сиз саволларимнинг бирига Қуръонда бўлмаган нарсани «бу Қуръондан» дейиш гуноҳ бўлади, деганингиздан бери бундай нарсаларга аҳамият берадиган бўлдим.

Жавобингиз учун ташаккур.

Жавоб:

Бу маънода оят ҳам, ҳадис ҳам йўқ. Пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг оламларнинг сарвари эканлари шундай ҳам маълум.

Рухсора Азизова тайёрлади

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ва тўрт халифанинг куёвлари

№	Расулulloҳнинг куёвлари	Расулulloҳнинг қизлари
1	Абул Ос ибн Робиъ ибн Абдул Уззо ибн Абду Шамс	Зайнаб розияллоҳу анҳо
2	Усмон ибн Аффон	Руқайя розияллоҳу анҳо
3	Усмон ибн Аффон	Умму Кулсум розияллоҳу анҳо (Руқайя розияллоҳу анҳо вафотидан кейин)
4	Али ибн Абу Толиб ибн Абдулмуттолиб	Фотима розияллоҳу анҳо
Абу Бакр Сиддиқнинг куёвлари		Абу Бакр Сиддиқнинг қизлари
1	Муҳаммад Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам	Оиша розияллоҳу анҳо
2	Зубайр ибн Аввом ибн Ҳувайлид	Асмо розияллоҳу анҳо
3	Толҳа ибн Убайдуллоҳ Таймий	Умму Кулсум розияллоҳу анҳо
4	Абдурахмон ибн Ахвал ибн Абдуллоҳ ибн Абу Робиъа ибн Муғира ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн Махзум	Умму Кулсум розияллоҳу анҳо (Толҳа ибн Убайдуллоҳдан кейин)
Умар ибн Хаттобнинг куёвлари		Умар ибн Хаттобнинг қизлари
1	Муҳаммад Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам	Ҳафса розияллоҳу анҳо
2	Хунайс ибн Қайс ибн Адий ибн Саъд ибн Саҳм	Ҳафса розияллоҳу анҳо (Набий соллalloҳу алайҳи васалламдан олдин)
3	Иброҳим ибн Наъим Наҳҳом Адавий	Руқайя (унинг онаси Умму Кулсум Али розияллоҳу анҳунинг қизи)
Усмон ибн Аффоннинг куёвлари		Усмон ибн Аффоннинг қизлари
1	Абдурахмон ибн Ҳошим ибн Муғйра	Марям
2	Абдулмалик ибн Марвон ибн Ҳакам	Марям (Абдурахмон ибн Ҳошим ибн Муғирадан кейин)
3	Абдуллоҳ ибн Холид ибн Усайд ибн Абулғайс ибн Умайя.	Умму Усмон
4	Ҳорис ибн Ҳакам ибн Абул Ос ибн Умайя	Оиша
5	Абдуллоҳ ибн Зубайр ибн Аввом	Оиша (Ҳорис ибн Ҳакамдан кейин)
6	Марвон ибн Ҳакам ибн Абул Ос ибн Умайя	Умму Абон
7	Саъид ибн Ос ибн Саъид ибн Ос ибн Умайя	Умму Амр
8	Абдуллоҳ ибн Холид ибн Усайд ибн Абулғайс ибн Умайя	Умму Холид (онаси Умму Усмондан кейин)
9	Холид ибн Валид ибн Уқба ибн Абу Муаъйт	Арво
10	Абу Суфён ибн Абдуллоҳ ибн Холид ибн Усайд	Уммул Банин

Али ибн Абу Толибнинг қуёвлари		Али ибн Абу Толибнинг қизлари
1	Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб	Зайнаб розияллоҳу анҳо (Катта Зайнаб)
2	Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу	Умму Кулсум розияллоҳу анҳо
3	Авн ибн Жаъфар ибн Абу Толиб	Умму Кулсум розияллоҳу анҳо (Умар ибн Хаттобдан кейин)
4	Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Абу Толиб	Умму Кулсум розияллоҳу анҳо (Авн ибн Жаъфар ибн Абу Толибдан кейин)
5	Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб	Умму Кулсум розияллоҳу анҳо (Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Абу Толибдан кейин)
6	Муслим ибн Уқайл ибн Абу Толиб	Руқайя (Кичкина Руқайя)
7	Жаъда ибн Хубайра ибн Абу Ваҳб Махзумий	Умму Ҳасан ибн Али
8	Жаъфар ибн Уқайл ибн Абу Толиб	Умму Ҳасан (Жаъда ибн Хубайрадан кейин)
9	Абдуллоҳ ибн Зубайр ибн Аввом	Умму Ҳасан (Жаъфар ибн Уқайлдан кейин)
10	Абул Ҳайёж Абдуллоҳ ибн Абу Суфён ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб	Ромла
11	Муъовия ибн Марвон ибн Ҳакам ибн Абул Ос	Ромла (Абул Ҳайёждан кейин)
12	Абдуллоҳ ибн Уқайл ибн Абу Толиб	Умму Ҳонейъ
13	Абдуллоҳ ибн Уқайл ибн Абу Толиб	Маймуна (Умму Ҳонейъдан кейин)
14	Фирос ибн Жаъда ибн Хубайра	Зайнаб (кичик Зайнаб)
15	Муҳаммад ибн Уқайл ибн Абу Толиб	Руқайя (кичик Руқайя)
16	Таммам ибн Аббос ибн Абдулмуттолиб	Маймуна (Абдуллоҳ ибн Уқайл ибн Абу Толибдан кейин)
17	Касир ибн Аббос ибн Абдулмуттолиб	Зайнаб
18	Касир ибн Аббос ибн Абдулмуттолиб	Умму Кулсум (кичик Умму Кулсум) (Нафиса)
19	Таммам ибн Аббос ибн Абдулмуттолиб	Умму Кулсум (кичик Умму Кулсум) (Нафиса)
20	Муҳаммад ибн Уқайл ибн Абу Толиб	Руқайя (кичик Руқайя) (Муслим ибн Уқайлдан кейин)
21	Муҳаммад ибн Абу Саъид ибн Уқайл ибн Абу Толиб	Фотима (катта Фотима)
22	Саъид ибн Асвад ибн Абу Бахтарий	Фотима (катта Фотима) (Муҳаммад ибн Абу Саъид ибн Уқайл ибн Абу Толибдан кейин)
23	Мунзир ибн Убайда ибн Зубайр ибн Аввом	Фотима (катта Фотима) (Саъид ибн Асвад ибн Абу Бахтарийдан кейин)
24	Солт ибн Абдуллоҳ ибн Навфал ибн Ҳорис ибн Абдулмуттолиб	Умома
25	Абдурахмон ибн Уқайл ибн Абу Толиб	Хадижа (Солтдан кейин)
26	Абдуллоҳ ибн Омир ибн Курайз ибн Ҳабиб	Хадижа (Абу Санобилдан кейин)
27	Абдурахмон ибн Уқайл ибн Абу Толиб	Умму Ҳонейъ (Фахита)



Асмо бинт Абу Бакр

АБУ БАКР СИДДИҚНИНГ ҚИЗИ АСМО РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲО ИСЛОМ ТАРИХИДАГИ ЭНГ ПОРЛОҚ СИЙМОЛАРДАН БИРИ САНАЛАДИ. АСМО БОЛАЛИК ЧОФИДАН ИСЛОМ ДАЪВАТИ СОЯСИДА УЛҒАЙДИ, ИЙМОН НУРИ ҚАЛБИНИ ЗАБТ ЭТДИ. ЁШ ҚИЗ БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ, ИСЛОМ ДАЪВАТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛГАН ЎН ЕТТИ НАФАР ЭРКАГУ АЁЛНИНГ ЎН САККИЗИНЧИСИ БЎЛИБ ИСЛОМНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ. УШБУ ДАЪВАТНИНГ БОСҚИЧМА- БОСҚИЧ РИВОЖЛАНИШИГА БЕВОСИТА ГУВОҲ БЎЛДИ. КЎПЛАБ ВОҚЕА-ҲОДИСАЛАРДА ШАХСАН ЎЗИ ҲАМ ИШТИРОК ЭТДИ.

Асмо ҳар тарафлама фахрланса арзиғулик даражада наслу насаб ҳамда шараф соҳибаси эди. Отаси Абу Бакр Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлик вақтларида энг яқин дўстлари, вафотларидан кейин халифалари эди. Бобоси Абу Атиқ ҳам у зотнинг саҳобаларидан бўлган. Синглиси Расулulloҳнинг энг сеvimли завжалари Оиша эди. Турмуш ўртоғи Расулulloҳнинг аммаси Софийянинг ўғли ва у зотнинг ҳаворийлари бўлмиш Зубайр ибн Авом эди.

Қисқача қилиб айтганда, ушбу саҳобийянинг ҳаёти бугунги кунимизда нафақат муслима аёл, балки кўплаб эркаклар учун ҳам ўта зарур бўлган ибратли воқеа ва ҳодисаларга бойдир.

Ҳижратдаги ўрни

Аллоҳ таоло Набий соллalloҳу алайҳи васалламга Маккадан Мадинага ҳижрат қилишни амр қилди. Асмо розияллоҳу аанҳо ушбу вақтда ўзига хос юксак вазифаларни адо этди.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр ҳижрат сафарига отланган чоғи Асмо улар учун бир мешда сув,

бир халтада эса сафар учун егулик ҳозирлади. Халта ва мешнинг оғзини маҳкамлаш учун белбоғидан бошқа боғич топа олмади. Шунда белбоғини иккига бўлиб, бир бўлаги билан халтанинг, иккинчиси билан эса мешнинг оғзини боғлади. Расулуллоҳ бундан хабар топгач: «Аллоҳ сенга шу белбоғинг ўрнига жаннатда икки белбоғ ато қилсин» деб, дуо қилдилар. Шундан буён Асмо «Затуннитокқайн», яъни «икки белбоғ соҳибаси» номини олди.

Асмо ҳам Маккада бошқа мусулмонлар қатори қийинчилик ва озорларга дучор бўлди. Лекин у барча азиятларга Аллоҳ йўлида сабр қилди. Асмо розияллоҳу анҳо айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр ҳижрат қилиб кетишгач, олдимишга бир тўп қурайшликлар келишди. Уларнинг орасида Абу Жаҳл ибн Ҳишом ҳам бор эди. Улар Абу Бакрнинг эшиги олдига келишди, мен уларнинг олдига чиқдим. «Отанг қани, эй Абу Бакрнинг қизи?» дейишди. Мен: «Аллоҳга қасамки! Отам қаердалигини билмайман», дедим. Шунда Абу Жаҳл – у оғзи бузуқ, ярамас одам эди – қўлини кўтариб, юзимга бир тарсаки туширди. Унинг зарбидан қулоғимдаги зирагим учиб кетди».

Асмо розияллоҳу анҳо золим ва туғёнкорлар қаршисида тик турди. Расулуллоҳ ва отасининг сирини ошкор қилмади.

Асмо розияллоҳу анҳонинг ота уйида тутган ўрни катта эди. Абу Бакр Аллоҳнинг йўлида ҳижрат қилиб уйдан чиқиб кетаётганида, бор молини ўзи билан бирга олиб кетди. Оиласи ва болаларига бирор нарса қолдирмади. Бироқ тоғлар ҳам уни ўрнидан қўзғата олмайдиган, бўронлар ҳам қимирлата олмайдиган иймонни қолдириб кетди. У шундай иймон эдики, мол-мулкнинг кўплиги ёки камлиги билан ўзгариб қолмас эди. Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг отаси Абу Қуҳофа кўзи ожиз қари чол эди. Абу Бакр кетгач, Абу Қуҳофа келиб, Асмога «Абу Бакр сизларга нима қолдирди?» деб сўради. Шунда Асмо уйдаги деворнинг пул қўйиладиган қавагига майда тошчаларни тўкиб, устига бир матони ташлаб қўйди. Кейин бобосининг қўлидан тутиб, матонинг устига қўйди. «Қаранг, бобажон, бизларга шунча пул қолдирди», деди. Шунда бобоси: «Ундай бўлса, яхши. Сизларга шунча

пул ташлаб кетиб яхши иш қилибди», деди. Асмо бу иши билан бобосининг кўнглини тинчлантиришни хоҳлаган эди.

Ҳижратдан кейинги ўрни

Асмо розияллоҳу анҳо Маккада Зубайр ибн Аввом билан турмуш қурган эди. Аллоҳ таоло мусулмонларга ҳижрат қилишга изн бергач, у киши ҳам ҳижрат сафарига отланди. У ҳомиладор бўлишига қарамай, сафар қийинчиликларини енгиб ўтди ва Мадина остонаси ҳисобланмиш Қубода ўғли Абдуллоҳни дунёга келтирди. Ушбу хабар барчанинг, айниқса, муҳожирларнинг қалбига улкан қувонч ҳадя этди. Чунки Абдуллоҳ Мадинада муҳожирлар орасида биринчи бўлиб туғилган чақалоқ эди. У туғилишидан олдин «яхудийлар муҳожирларда энди ҳеч қачон зурриёд дунёга келмайди, чунки биз уларни сеҳрлаб қўйганмиз», деган гапларни тарқатган эдилар. Гўдакни дарҳол Расулуллоҳнинг олдига олиб келдилар. У зот уни бағриларига босиб, танглайини кўтардилар ва ҳаққиға дуо қилдилар. Гўдакнинг ичига биринчи бўлиб кирган нарса у зотнинг муборак туфуклари бўлди.

Асмо розияллоҳу анҳо Мадинада аёлларни исломга тарғиб қилиш, уларга дин аҳкомларидан таълим бериш ишларида жуда фаол эди. Қурайшлик аёллар ёзишни билар эдилар. Ансорий аёллар эса ёзишни билмас эдилар. Муҳожира аёллар ўзлари Қуръондан ёзишни ўрганган нарсаларини ансорий аёлларга ўргатар эдилар. Хусусан, Асмо розияллоҳу анҳо ҳам ҳижрат қилишидан олдин Қуръондан баъзи оятларни ёд олган эди. Мадинага келгач, билганларини бошқа аёлларга ўргата бошлади. Асмо розияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини эшитиб ёдлаб олар ва бошқаларга ўргатар эди. Нававий роҳимахуллоҳ айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эллик олтита ҳадислари Асмо розияллоҳу анҳодан ривоят қилинган. У кишидан Абдуллоҳ ибн Аббос, ўғиллари Абдуллоҳ ва Урва ҳамда Абдуллоҳ ибн Абу Мулайка ва бошқалар ривоят қилишган».

(Давоми келгуси сонда)

Араб тилидан Умму Билол таржимаси

Барча янги нарса ҳам бидъат эмас

(Ёхуд мавлидга муносабат)

Бидъат, бу ўзининг шаръий истилоҳий маъносига биноан залолатдир. Ундан узоқлашиш ва унга тушиб қолишдан эҳтиёт бўлиш лозим. Бу ҳақда шак-шубҳа бўлиши мумкин ҳам эмас.

Бунинг асли икки шайх иттифоқ қилган ҳадисдаги Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу:

«Кимки бизнинг ушбу ишимизда унда бўлмаган нарсани пайдо қилса, унинг иши рад қилинади»;

ва яна:

«Албатта сўзларнинг яхшиси Аллоҳнинг китобидир. Ҳидоятларнинг яхшиси Муҳаммад алайҳис-саломнинг ҳидоятларидир. Ишларнинг ёмони янги пайдо бўлгандир. Ва ҳар бир бидъат (янги пайдо бўлган иш) залолатдир», деган сўзларидир.

Лекин ушбу "бидъат" сўзидан мурод нима ўзи?

Ундан мурод одамларга таниш бўлган унинг луғавий маъносими? Унда бу сўздан мақсад, мусулмон ҳаётида янги пайдо бўлган, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қилмаган ҳамда саҳобаларнинг бирорталари бажармаган ва улар олдида маълум ҳам бўлмаган барча нарсалар бидъатдир, деган маъно келиб чиқадими? Унда дунёнинг у чеккасидан-бу чеккасигача бўлган барча мусулмонлар қочиб бўлмайдиган залолатни бошларидан ўтказаётган экан-да! Чунки улар қаерга борсалар ва қандай йўл олсалар ёки ҳаракат қилсалар, бидъатлар уммонига фарқ бўладилар-ку! Унда уйларининг бинолари бидъат, ундаги жиҳоз ва бисотлар бидъат, дастурхон ва хонтахталар ҳам бидъат, кийимларининг янгича услублари (модалари) бидъат, илмий ва маданий ҳамда ижтимоий фаолликларини амалга оширадиган янгича йўналишларнинг барчаси туркум

бидъатлар зулмати, дейиладими?..

Унда бу фақат ушбу авлоднинг ўзигагина тегишли бўлган мусибат эмас балки, саҳобалар замонидан кейин бугунги кунгача бўлган мусулмон халқлари тойилган залолатдир. Ундан кейин қиёматгача бўлган мусулмонлар оғишадиган янглишишдир, деган тушунча пайдо бўлади-ку!

Чунки ҳаёт Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар бўлиб юборилишларидан бери ўз ҳамроҳлари билан ҳамиша бир ҳолатдан бошқа бир ҳолатга ўзгариб келади. Унинг бу қонунини енгиб ўтиш имкони йўқ, аср ва замонлар оша уни бир ҳолатда ушлаб туришнинг имкони ҳам йўқ. Ҳатто Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалари билан яшаган қисқа вақт оралиғида ҳам ҳаёт қотиб қолган эмас. Балки Пайғамбаримиз ва у кишининг саҳобалари турли босқичларни босиб келганлар.

Лекин "ўша биринчи гуруҳдагиларнинг насибаси албатта, гўзал бўлган". Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг ораларида эди. Бу оламни ҳеч бир кўзғолонсиз ва қаршиликсиз суннат билан табриккладилар. Қанча-қанча урфни қўллаб-қувватладилар. Саҳобалар ва араблар ҳаётида пайдо бўлган қанча-қанча кашфиётларни олқишлаб, унга чақирдилар. Уйлаб мулоҳаза қилганларидан кейин уни дин қоидаларига ва унинг аҳкомларидан бирортасига тесқари эмаслигини кўрдилар. Балки баъзида уни тирилтириш ва яхши томонини олиш йўлини осонлаштирдилар.

Ҳатто ундан шариати ислом уламолари "Аслини олганда барча нарсаларда руҳсат" деган қоидани топдилар. Бундан Ҳанафий ва бошқа олимлар: "Урф муайян шартлар билан масдардир, уни шариат масдарлари ва унинг аҳкомларидан четда қолдириб бўлмади", деган қоидани келтириб чиқардилар.

Демак, бидъатдан кўзланган мақсад, умумий луғавий маъно бўлиши ақлга тўғри келмайди. Мусулмон уламолари ва фуқаҳоларидан бирорталарини бидъат таърифи ва изоҳи тўғрисида бундай ғалати йўлдан борганларини кўрмаганмиз. Албатта, бу сўз алоҳида истилоҳий маънони ўз ичига яширади. Хўш, истилоҳий маъно нима?

Олдимда бидъатнинг бир қанча таърифлари турибди. Уларнинг барчаси гарчи шакл ва услубда ҳар хил бўлса-да, битта истилоҳий маъно доирасида айланади. Лекин мен улардан имом Шотибий ўзларининг “ал-Эътисом” номли китобларида таништириб ўтган икки таърифни танлайман. Бунинг икки сабаби бор:

Биринчидан, Шотибий бу муҳокамани шарҳ ва таҳлил қилиб етказиш хизмати бўйича атрофидагиларнинг аввалида турдилар;

иккинчидан, бидъатга қарши курашганларнинг ва ундан узоқда юришга қаттиқ турганларнинг пешқадам уламоларидан саналади.

Биринчи таъриф: **«У динда ўйлаб топилган йўл бўлиб, шариатга ўхшайди. Унга амал қилиш билан Аллоҳ азза ва жаллага ибодат қилишда муболағани мақсад қилинади».**

Иккинчи таъриф: **«У динда ўйлаб топилган йўл бўлиб, шариатга ўхшайди. Унга амал қилиш билан шариат йўли орқали қасд қилинган нарсани мақсад қилинади».**

Шотибий раҳматуллоҳи алайҳи бидъатни ибодатларнинг ўзида чеклаган кишилар фикри билан уни бошқа иш ва ҳаракатларда умумий деб билган кишилар фикри эътиборидан бу икки таърифни такрорлаб ўтганлар. У киши кейинги ўринларда бидъатни хоҳ у қалбга боғлиқ ақидавий ибодатлар бўлсин ёки ахлоққа оид бошқа ибодатлар тури бўлсин, уни ибодатларга хослаган.

Ҳозир бизни бирор эътибор ва аниқлаш орқали бу такрор олдида тўхташимиз қизиқтирмайди. Бизни қизиқтирган нарса уларнинг **“динда ўйлаб топилган йўл”** деган таърифлари ҳақида айтган сўзларини ўрганишимиздир.

Демак, амаллар бидъат маъносини ва унинг ҳукмини олиши учун унинг эгаси бу

ишни диннинг ажралмас бир қисми деб бажариши, шу билан бирга у иш воқеъликда унинг тескараси бўлишидир. Айнан мана шу бидъатнинг юраги ундан қайтарганлик сиридир. Унинг “бидъат” деб аталишидаги эътибор берилаётган нарса ана шудир.

Бу ишнинг ўзида қатъий далилни шакллантирган таянч манбаси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзларидир:

«Ким бизнинг ушбу ишимизда унда бўлмаган нарсани пайдо қилса...»

«бизнинг ушбу ишимизда» деган сўздан мақсад – диндир. Бу ҳаммага маълум нарса.

Ва яна Таҳовий келтирган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзлари ҳам далил бўлади: **«Мен олти тоифа кишиларни лаънатлайман. Уларни Аллоҳ ва келган барча набийлар ҳам лаънатлаган: Аллоҳнинг динига кўшимча киритувчи, Аллоҳнинг қадарини ёлгонга чиқарувчи, Аллоҳ азиз қилганга қаттиқўллик билан, Аллоҳ хор қилганга хокисорлик билан ҳукмронлик қилувчи, суннатимни тарк қилувчи, Аллоҳ ҳаром қилганни ҳалол сановчи, менинг оиламдан Аллоҳ таъқиқлаганларини ўзига ҳалол деб ҳисобловчи».**

Бундан бир манба яъни: «Албатта бидъатни инкор этиш ва унинг соҳибини қайтариш лозим. Албатта, бидъатчи дин ва унинг жавҳарига унда бўлмаган нарсани қўшиб, тузувчиси Аллоҳ азза ва жалла бўлган ва бирорта кўшимча ёки ўзгартириш имкони қолмаган шариат аҳкомига йўқ нарсани аралаштириб юборади», деган манба аниқланади.

Бунинг мисоллари жуда кўп.

Улардан айримларини эслаб ўтамиз:

Шариатда собит бўлган фарз, суннат ва нафл намозларга кўшимча намоз ўйлаб топиш, Қуръон ва суннатда кўрсатмаси келмаган фазилат учун, бирор куннинг рўзасини ўйлаб топиш, зоҳид кўриниши учун дастурхонидаги таомини бир хил турга қисқартиришга ўзини мажбурлаш, шариатда бирорта далили келмаган нарса билан жисмига машаққат юклаш орқали Аллоҳга яқинлашишни ўйлаб топиш, жаноза олдида қасида ва зикрлар билан овозини баланд кўтариш, майитни қабрга кири-

тиш вақтида азон айтиш.

Ва бу кабиларни динда янги пайдо бўлган ёлғон фикр ва эътиқодлардан иборат фарқлар кўпайган вақтда ақидавий масалаларда ҳам эслашимиз мумкин.

Аммо гоҳида инсон томонидан диннинг мазмун моҳиятидан ёки унинг бирор аҳкомларидан деб тасаввур қилмаган ҳолатда содир бўладиган бошқа иш ва ҳаракатлар ҳамда бирор фойда ёки мўлжал илинжида уни ундаган ишлар у диний бўлсин ёки дунёвий бўлсин гарчи илгари маълум бўлмай мусулмонлар ҳаётида янги пайдо бўлган бўлсада; буларнинг барини бидъат деб аташ эҳтимолдан анча йироқдир.

Балки унинг мазмуни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам номлаган "гўзал суннат", ёки "ёлғон суннат" сўзи остида турларига қараб ажратилади.

Сиз биласизки имом Муслим ва бошқалар ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам;

«Ким Исломда гўзал суннат пайдо қилса ва ундан кейин ўша суннатга амал қилинса, унга ўшанга амал қилганлар ажрига ўхшаш ажр, уларнинг ажридан бирор нарса ноқис қилинмаган ҳолда ёзилиб туради. Ким Исломда бир ёлғон суннат пайдо қилса ва ундан кейин ўша суннатга амал қилинса, унга ўша амал қилганлар гуноҳига ўхшаш гуноҳ, уларнинг гуноҳларидан бирор нарса ноқис қилинмаган ҳолда ёзилиб туради», - деганлар.

Бу ишни баёни узундан узоқ изоҳ беришни талаб қилади, лекин биз қуйдаги қисқа жавобга тўхталамиз;

Агар инсон томонидан содир бўладиган иш ва ҳаракатлар баёни ўтган бидъат маъноси остига кирмаса, у шариатда собит бўлган буйруқ ва қайтариқлар билан ўзаро тўқнашади ва Аллоҳнинг шариатида ҳаром ёки макруҳ бўлган ножўя ишлар деб номланади. Бу ножўя ишларни янги пайдо бўлганлиги ёки ундан ёмонликлар тарқаладиган ярамас ахлоқлар каби қадимий бўлиши ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Буларнинг масаласи очиқ ойдин, бу ҳақида баҳс қилишнинг ҳам ҳожати йўқ.

Агар инсон томонидан содир бўладиган иш ва ҳаракатлар шариат аҳкомлари

ҳамда унинг аниқ ва равшан одобларига қарши ҳам мувофиқ ҳам келмаса у амалга ошириладиган натижаларининг ранги билан ранг олади. Яъни, модомики у динда риояси қилиниши учун келган манфаатга бошлаб борадиган бўлса чиройли суннат қабилидан бўлади. Кейин ўз навбатида у ҳам ушбу манфаатни амалга оширишга бўлган эҳтиёжнинг зарурлигига қараб тавсия ёки вожиблик ўртасида фарқланади. Чунки у гоҳида шахсий зарурат бўлиши мумкин, гоҳида асосий эҳтиёжлардан гоҳида эса манфаат келтирадиган такомиллаштириш бўлиши мумкин.

Модомики энди у ушбу манфаатлардан бирини бузиб вайрон қилишга сабабчи бўладиган бўлса ёки уларга зарар етказса унда у ёлғон суннат туридан бўлади. Кейин унинг ёмонлик даражаси ўша манфаатга етказадиган зарарининг катта кичиклигига қараб фарқланади. Гоҳида макруҳ бўлади, гоҳида эса ҳаромга айланади. Аммо у ушбу манфаатларга бирор зарар келтиришдан йироқ бўлса ёки уларга ҳеч қандай фойда ҳам келтирмайдиган бўлса унда у мубоҳ ёки айримлар таъбири билан айтганда ихтиёрий амал қабилидан саналади.

Агар биз ушбу ҳақиқатни тўла ўзлаштириб олган бўлсак, айрим баҳс юритувчилар ўйлагани каби у ерда «бидъати хасана» деб аталадиган нарса йўқ эканини тушуниб етамиз. Балки бидъат фақат қабиҳ залолат бўлади ҳалос. Бу унинг динга кўшимча ортиқча нарса киритиш заруратини келтириб чиқаргани учундир. Ваҳоланки бу иш ҳар қандай ҳолатда чиройли бўлмайди.

Улар "бидъати хасана" деб ўйлаётган нарса Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам чиройли суннат деб атаган нарсанинг ичига киради. Кейинчалик уни усул (дин қонун қоидаларининг) олимлари масолиҳул мурсала (қайдланмаган эркин манфаатлар) деб номлаганлар.

(давоми бор)

Шайх Муҳаммад Саъид Рамазон Бутий раҳматуллоҳи алайҳнинг
“Ислом барча инсоний жамиятлар бошпанаси, нима учун ва қандай?”
номли китобдан
Абдуллажон Фуломов таржимаси

Сийратни ўрганайлик

МУҲАММАД МУСТАФО СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМГА ИЙМОН КЕЛТИРИШ, ИТОАТ ЭТИШ, МУҲАББАТ ҚИЛИШ ВА У ЗОТДАН ЎРНАК ОЛИШ ВОЖИБ БЎЛГАНИ УЧУН У ЗОТНИНГ ҲАЁТЛАРИ, СИЙРАТЛАРИ, СИФАТЛАРИ ВА СУННАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ ҲАМ ВОЖИБ БЎЛАДИ.

Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари, сийратлари, сифатлари ва суннатларини ўрганмай туриб, у зотга иймон келтириш, итоат этиш, муҳаббат қилиш ва у зотдан ўрнак олиш имкони ҳам йўқ.

Бу масалада, бошқа кўпгина ҳолатлардаги каби, «Вожиб амални бажариш учун унга олиб борадиган нарса ҳам вожибдир» қоидаси кучга киради.

Шунинг учун ҳам мусулмон уммати ўзининг дастлабки давридан бошлаб Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари, сийратлари, сифатлари ва суннатларини ўрганишга алоҳида аҳамият бериб келмоқда.

Расулulloҳ соллалоҳу алайҳи васаллам тириклик пайтларида саҳобаи киром у зотнинг ҳаётларида содир бўладиган ҳар бир нарсани қанчалик аҳамият билан ўрганиб борганлари, ҳар бир сўзлари, ҳаракатлари, имо-ишораларини ҳам яхшилаб ёдлаб борганлари маълум ва машҳур.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам рафийқул аълога интиқол қилганларидан кейин мусулмон уммати у зотга тегишли бўлган ҳар бир нарсани кўз қорачиғидек асрашга, ёдлашга ва қадрлашга беқиёс аҳамият бериб келди. Мусулмон уммати Аллоҳ таолонинг каломи Қуръони Каримни саҳифаларга ёзиб бўлганидан кейин биринчи ўринда ёзган нарсаси ҳабиб пайғамбар-

ларининг сийрати шарифлари бўлди.

Аввалги сийрат китобларининг ёзилишида Ваҳб ибн Мунаббаҳ (10–34 ҳ.с.), Урва ибн Зубайр (23–94 ҳ.с.), Абон ибн Усмон ибн Аффон (22–105 ҳ.с.)лар ҳаммага ўрнак бўлдилар. Кейинроқ, Ибн Исҳоқ ва Ибн Ҳишом каби сийрат илми имомлари кўзга кўриндилар.

Мусулмонлар оммаси айнан мазкур сийрат уламолари ёзган китоблардан ўз пайғамбарлари алайҳиссаломнинг сийратлари, суннатлари, сифатлари, хулқлари ва хилқатларини ўрганар ва амал қилиб, ўрнак олар эдилар.

Вақт ўтиши билан турли халқлар, миллат ва элатлар вакиллари мусулмон бўлди, одамларнинг ташвишлари кўпайиб, ровийлар санади билан битилган бир неча жилдли китобларни ўрганишлари қийинлашиб қолди.

Уламолар бу ҳолатни эътиборга олдилар ва уни муолажа қилишга ўтдилар. Керакли уриниш ва изланиш ҳамда илмий ишлардан кейин Расулulloҳ соллалоҳу алайҳи васаллам ҳақларида мухтасар сийрат китоблари юзага чиқди. Кишилар уларнинг ёрдамида ўзларининг ҳабиб пайғамбарлари ҳаётлари, сийратлари, суннатлари, сифатлари, хулқлари ва хилқатларини ўрганганидан бўлдилар.

Турли сабабларга кўра, вақт ўтиши билан халқ оммаси яна пайғамбар алайҳис-



салом ҳақларидаги маълумотларни ўрганишда қийналадиган бўлиб қолди. Бу ҳол ўша вақтдаги мусулмон уламолар ва раҳбарларни ташвишга солди. Одамларга Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳақларидаги керакли маълумотларни осон ва таъсирли услубда етказиш ташвишини қилдилар. Охири Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари ва сифатлари ҳақида шеърий услубда қисқа ва жамловчи асарлар тайёрлаб, халқ оммасини тўплаб ўқиб-эшиттиришни маъқул кўрдилар. Бу ишни амалга ошириш учун Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг туғилган кунлари ва ойлари танланди.

Бу таклиф ҳаммага ёқиб тушди. Ироқда бошланган бу иш зудлик билан Ислom оламнинг турли тарафларига тарқалди. Юқорида зикр этилган Набий соллalloҳу алайҳи васаллам ҳақларидаги шеърий асарлар «Мавлидун-набий» ёки «Мавлид» деб аталди. Аста-секин Мавлид ўқиш ва у зотга салавот айтиш одамлар орасида одат тусига кирди. Вақт ўтиши билан бошқа ишлардаги каби бу ишда ҳам асл мақсаддан оғиш, баъзи бир бидъат ва хурофотларга берилиш ҳолатлари ҳам содир этилган ўринлар бор.

БИЗНИНГ ДИЁРЛАРИМИЗДА
МАВЛИД МАРОСИМЛАРИДА
ШОМЛИК ОЛИМ ВА ШОИР
ЖАЪФАР БАРЗАНЖИЙ
РАҲМАТУЛЛОҲИ АЛАЙҲИНИНГ
«МАВЛИД» АСАРИНИ ЎҚИШ
ОДАТ ТУСИГА КИРИБ ҚОЛГАН ВА
ҲОЗИРГАЧА ДАВОМ ЭТМОҚДА.
БОШҚА ЮРТЛАРДА МАЗКУР
АСАР ВА БОШҚА АСАРЛАР ҲАМ
ЎҚИЛАДИ. МАККАИ МУКАРРАМА,
МАДИНАИ МУНАВВАРА, ТОИФ ВА
БОШҚА ҲИЖОЗ ШАҲАРЛАРИДА
ТУРЛИ ШОИРЛАРНИНГ
НАБИЙ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ
ВАСАЛЛАМНИНГ МАДҲЛАРИДА
АЙТГАН ШЕЪРЛАРИДАН
НАМУНАЛАР ЎҚИЛАДИ.

**«Ихтилофлар: сабаблар
ва ечимлар» китобидан**

Илм ўргатиш шарафли вазифадир

Маълумки, Ҳазрати Одам алайҳиссаломга Аллоҳ таоло барча фаришталарни таъзим қилишга буюришининг асосий сабаби, у зотнинг илмлари шарофатидир. Дарҳақиқат, илм ва илм аҳлларининг даражаси ҳар қайси жамиятда ҳам юқори қўйилган. Ўз-ўзидан маълумки, илму ҳунарни устозсиз эгаллаб бўлмайди. Илм ва ҳунарнинг барчаси ҳам Аллоҳ таоло томонидан инсонга берилган ҳикмат бўлиб, бу ҳақда Қурони каримда шундай марҳамат қилинган:

«У Ўзи хоҳлаган кишиларга ҳикмат (фойдали илм) беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, демак, унга кўп яхшилик берилибди. Бундан фақат оқил кишиларгина эслатма олулар» (Бақара сураси, 269-оят).

Ўзидаги билим ва ҳунарни бошқаларга ўргатувчи устозларнинг фазилати ҳақида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

«Албатта, Аллоҳ таоло, Унинг фаришталари, самовот ва ер аҳли, ҳатто ковагидаги чумоли ва денгиздаги балиққача инсонларга яхшиликни ўргатувчи кишига салавот айтиб турадилар» (Имом Термизий ривояти).

Барча пайғамбарлар ҳам инсонлар учун муршид, муаллим ва устоз бўлганлар. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай баён қилинган:

«Ўз ичларидан Аллоҳнинг оятларини ўқиб берадиган, уларни (ширк ва гуноҳлардан) мусаффо қиладиган ҳамда уларга Китоб ва Ҳикматни таълим берадиган Пайғамбарни юбориш билан, Аллоҳ мўминларга меҳрибонлик қилди. Улар эса бундан олдин аниқ гумроҳликда эдилар» (Оли Имрон сураси, 164-оят).

Ушбу оятдан маълум бўладики, инсонларга яхшиликни ўргатувчи, ёмонликдан қайтарувчи, илм-ҳикматдан таълим берувчи устоз-мураббийларнинг борлиги Аллоҳ


таолонинг улуғ неъматидир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир муборак ҳадисларида шундай марҳамат қиладилар:

«Сизларнинг энг яхшингиз Қуръонни ўрганиб, бошқаларга ўргатувчи кишидир» (Имом Бухорий ривояти).

Халқимизда «устоз отангдек улуғ», деган яхши гап бор. Дарҳақиқат, ота инсоннинг дунёга келишига сабабчи бўлса, устоз унга ҳаётда қандай яшашни ўргатади. Шунинг учун ҳам мўмин-мусулмонлар намозларининг сўнгида Пайғамбарга салавот айтганларидан кейин, ота-оналари қаторида устозларининг ҳақларига ҳам Аллоҳдан мағфират сўраб дуо қиладилар. Ҳозирги кунда юртимиздаги барча таълим муассасаларида ёшларга турли соҳалар бўйича таълим бераётган устозларни алоҳида эсга олиш, уларнинг иззат-икромларини ўрнига қўйиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Зеро, келажак авлоднинг салоҳияти уларнинг қўлида экан, Аллоҳ таоло уларни бурч ва вазифаларини сидқидилдан адо этишларига муяссар қилсин.

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ
«Мирза Юсуф» жоме масжиди
имом-хатиби



Гўзал кун келмоқда...

Шунчалар гўзалки, ҳатто ўша куни офтоб ҳам суюнган, кунни мунаввар этгани учун!

Ой ҳам суюнди, тунни ёруғ этганига!

Чунки ўша тунда оламлар Сарвари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туғилган эдилар. Яна ўшандек кун қайтмас, лекин ёдга олмоқ саодатли, фароғатлидир!!! Салавотлар айтмоқ, уларни кўпайтирмоқ масъулияти юкланади қалбимизга. Масъулиятни ҳис қила туриб, ўйланиб қолдим: «Қай даражада фарзандларимга Ул Зот соллаллоҳу алайҳи васалламни танитдим экан-а?!» Бошимга келган бу саволдан бир силкиниб тушдим. Хаёлимдан ҳар нарсалар ўта бошлади. «Алҳамдулиллаҳ! Бу савол қиёматда эмас, бу дунёда келганига шуқр! Тезроқ ҳаракат қила қолай!» дея фарзандларимни ёнимга чақириб, секин савол бера бошладим :

– Қайси ой келмоқда энг кутганимиз?

– Ҳозир Муҳаррамдамиз, чунки яқинда Ашуро кунини ўтқаздик. Ундан сўнг Сафар ойи...

– Ундан сўнг Рабиъул аввал!!!

– Ахир бунни ўзим айтмоқчи эдим-ку! Бу ойда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туғилганлар!!!

– Соллаллоҳу алайҳи васаллам..

– Яхши, тўғри топдиларингиз. Баракаллоҳ! Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида нималар биласизлар?!

– Алҳамдулиллаҳ, ойижон, кўп нарсалар биламиз. Ўзингиз айтгансиз-ку: «Агар бирон нарса йўқолганда салавот айтилса, топилади», деб.

– «Ким кўп савоат айтса, Расулulloҳга яқин бўлади».

– Ул Зот соллаллоҳу алайҳи васалламга бир савоат айтсак, бизга ўн яхшилик ёзилиб, ўн хатоси ўчирилади!

– Агар жума куни 100 марта салавот айтсак, саксон йиллик гуноҳлар ўчирилади.

– Баракаллоҳ! Илмингиз зиёда бўлсин! Энди бир ўйлаб кўринг-а, агар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳозир ёнимизга келиб қолсалар, сиз Ул зотдан нима сўраган бўлардингиз?

– Эй Ҳабибим! Дуо қилинг, Роббимнинг каломини ёдлашимда энгиллик берилса ва қолган жузларини ҳам тезда ёдлаб олсам, дердим.

– Мен эса, Эй Ҳабибим, дуо қилинг, дунёдаги жамики инсонлар мусулмон бўлсалар! Исломни таниб, доим Ҳаққа саждада бўлсалар! Барчалари Қуръон ҳофизи бўлсин, дуо қилинг, Расулulloҳ, дердим!!!

Болаларимдан бу жавобларни эшитар эканман, севинч ёшлари юзимни юварди. Улар тўлқинланиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида гапиришар экан, кўрқиб юрганим бир воқеа хотирамдан ўтди.

Бир инсон сўзлаб бергани: «Бу дунёда қанчалик фарзандим демайлик, аҳволимиз она маймундан қолишмайди. Она маймун сув ёқасига келиб, фарзандини бошига қўйиб олар экан, токи унга сув етиб озорланмасин, деб. Сувнинг ўртасига келган сари безовталиқ бошланар экан унда. Фарзанди оғирлик қилар, гўё сувга фарқ бўлишига сабабчидек сезаркан. Бир оз ўтиб эса, сув унинг бўғзигача ета бошлар экан. Шунда у қанчалик меҳрибон бўлмасин, оз жонини ўйлаб, бошидаги боласини оёғи остига қўйиб, дарёдан ўтиб олиш пайида бўларкан. Қиёматдаги аҳволимиз ҳам худди шундай, агар уларга яхши тарбия бериб, одоб даражасини Буюк Зот билан боғлаб қўймас эканмиз, уларни яхши кўришимиз бизни дарёдан олиб ўтолмайди. На биз ўтамиз, на улар. Энг муҳим бўлган мақсадимиз – Ул зот соллаллоҳу алайҳи васалламни таниб, хулқларига Қуръонни жо қилмас эканмиз, она маймундан фарқсиз бўлиб қолаверамиз. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни таниб, севиб ўсган фарзандларимиз шарафидан дарёдан ўтар чоғимиз биз учун ё дарё иккига бўлингай ёки бир лаҳзада кўприк қурилгай!!!

Жонимиз сизга фидо бўлсин, ё Расулulloҳ! Фарзандларимиз сизга фидо бўлсин, ё Набияллоҳ!

Аллоҳумма солли васаллим ва баарик алайҳ.

Бинту Шайдуллоҳ

АГАР РАЗМ СОЛИБ ҚАРАЛСА, ЮРТИМИЗДА ЎТГАН УЛАМОЛАРИМИЗНИНГ МАВЛИДНИ ЖУДА ҲАМ ЯХШИ ТАРЗДА, ШАРЪИЙ АСОСДА ЙЎЛГА ҚЎЙГАНЛАРИНИ КЎРИШ МУМКИН. ХУСУСАН, МАВЛИД ҲАЙИТ КАБИ БАЙРАМ ҚИЛИБ ОЛИНМАГАН, МАВЛИД КУНИ АЛОҲИДА ХОСЛАНМАЙДИ, МАВЛИД МАРОСИМЛАРИДА АЁЛ ВА ЭР-КАКЛАР АРАЛАШИШИ, БЕҲУДА ЎЙИН-КУЛГИ, МАДҲДА ҲАДДАН ОШИШ КАБИ НОШАРЪИЙ ИШЛАР ЙЎҚ, МАВЛИД АСАРИНИ ТАНЛАШДА ҲАМ ЭНГ МЎЪТАБАР АСАРЛАР ТАНЛАНГАН. ЛЕКИН ШУ БИЛАН БИРГА, БАЪЗИ ХАТОЛАРНИ ҲАМ ЭСГА ОЛИБ ЎТИШ ДАРКОР. БИЗНИНГ МИНТАҚАМИЗДАГИ МАВЛИД МАРОСИМЛАРИДА УЧРАЙДИГАН АЙРИМ ХАТОЛАРНИ АЙТИБ ЎТАМИЗ.

Мавлид маросимларидаги хатолар



1. Мавзуъ – тўқима маълумотларни айтиш.

Мавлид маросимларидаги суҳбатларда тўқима, уйдирма гапларни айтиш ҳали ҳам учраб туради. Айниқса, аёллар ўртасида бу ҳолат янада кўпроқ урчиган. Мисол учун, «Туркий мавлид» номи билан танилган мавлид асаридаги кўп ҳикоялар тўқима гаплардир. Муаллиф, Аллоҳ раҳматига олсин, эҳтимол бу гапларни қайсидир манбадан олиб, уни рост деб ўйлагандир ёки бошқа бир сабаблар бордир. Аммо омонат юзасидан айтиш керакки, асардаги кириш қисми ва дуолардан фойда олиш мумкин бўлса-да, ундаги аксар маълумотлар, жумладан, «Лочин ва чумчуқ воқеаси» каби ҳикоялар ҳеч бир асоссиз, асли йўқ гаплардир.

2. Мавлидга шариат жорий қилган амал тусини бериш.

Мавлидни диний амр ёки шариат жорий қилган амал деб тушуниб қолинишига йўл қўйиш бугунги кундаги энг нозир хатолардан ҳисобланади. Айрим саҳобийлар одамлар мустаҳаб амал эканлигини билишлари, вожиб деб тушуниб қолмасликлари учун гоҳ-гоҳида мустаҳаб амалларни тарк қилиб туришган. Шариатда асли кўрсатилган амалларда шу гап бўлгач, мавлид каби кейин жорий бўлган одатларда бунга янада хушёр бўлиш лозим. Бунинг олдини олиш учун мавлиддан кўзланган мақсадларни рўёбга чиқариш, мавлид одоблари га риоя қилиш даркор.

3. Араб тилидаги мавлид асарларини Қуръонга ўхшатишга, тенглаштиришга сабаб бўлиш.

Бу ҳам кўпчилик эътибор бермайдиган хатолардан бири. Шу боис, мавлидни Қуръонга хос бўлган тажвид қоидаларига солмасдан ўқиш керак. Ҳарфларни маҳраждан чиқариш, арабий талаффуз этиш, арабча оҳангда ўқиш яхши, аммо мадд, ғунна каби Қуръони Каримга хос бўлган қоидаларга қатъий риоя қилишга ўтмаслик лозим.

4. Мавлид маросимларининг зиёфатхўрликка айланиб қолиши.

Ҳа, бу ҳам ҳозирда кенг ёйилган иллатлардан бири. Мавлиф қилаётган ҳам, унга кетаётган ҳам асосий эътиборни об-таомга, егуликларга, қандай насиба улашилишига, мажлис пировардига қаратади. Мавлиддан кўзланган мақсад: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатни ўстиришни, у зот алайҳиссаломнинг сийратларини ўрганишни ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмайди.

5. Мавлиднинг айримлар наздида даромад ёки шуҳрат топиш манбаига айланиб қолиши. Афсуски, бу ҳолат ҳам кам бўлса-да, баъзи жойларда учраб туради. Тўғри, бадавлат инсонлар мавлид маросимларида халққа хизмат қилиб, илм-маърифат улашган кишиларга кўнгилдан чиқариб ҳадя улашса, совғалар берса, бу уларнинг иши, ҳиммати, иншааллоҳ, ниятга яраша савоб олади. Аммо Мавлидхонларнинг мақсади бу нарса бўлмаслиги керак. Улар мавлид маросими ҳақида ана шундай нотўғри тушунча келиб чиқишига йўл қўймасликлари лозим.

Аслида эса Мавлид маросимини ўтказиш катта масъулиятдир. Мавлид маросимидан кўзланган мақсадларга эришиш шу йиғинга келган кишиларнинг ҳаққидир. Ушбу ҳақдорларга ҳаққини бериш мавлидхонларнинг бурчидир. Бунинг учун мавлидхонларимиз ўзлари сийратни яхши билишлари керак, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларини чуқур ўрганган бўлишлари керак, У зотга итоатли, муҳаббатли бўлишлари керак.

Ана шунда мавлид маросимларидан кўзланган мақсад рўёбга чиқади.

Аллоҳ таоло мавлид маросимларини манфаатли қилиб ўтказишга муваффақ қилсин!

**Ҳасанхон Яҳё Абдулмажиднинг
«Мавлид» китоби асосида
қисқартириб тайёрланди**

ОДАМ БОЛАСИГА ҚАДДИНИ ТУТАДИГАН ЕМАКЛАР КИФОЯДИР

ЯРАТГАНДАН ЁРДАМ СЎРАГАН ҲОЛДА ВА СИЗ АЗИЗЛАРИМГА НАФ ИСТАБ, ОХИРГИ ВАҚТЛАРДА ҲАДДАН ЗИЁД УЧРАЁТГАН ҲАМДА КЎПЛАБ НОХУШЛИКЛАРГА САБАБ БЎЛАЁТГАН МАВЗУНИ ЁРИТИШГА КЎЛ УРДИМ. У ҲАМ БЎЛСА, ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН РАБИЪУЛ АВВАЛ ВА САВОБ УМИДИДА ИНТИҚ КУТАЁТГАНИМИЗ – МАВЛИД ТАДБИРЛАРИ ВА БОШҚА ЙИФИНЛАРИМИЗДА УРФГА КИРИБ УЛГУРГАН САЛОМАТЛИГИМИЗГА ЗАРАРЛИ ОДАТЛАРИМИЗ ҲАҚИДА. БУГУНГИ СУҲБАТИМИЗНИ АВВАЛГИЛАРИДАН ФАРҚЛИ ЎЛАРОК, АЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ ИНСОНЛАРГА АТО ЭТГАН НЕЪМАТЛАРИ ОРҚАЛИ УЛАРГА ИРОДА ЭТГАН ЯХШИЛИКЛАРИНИ ЗИКР ҚИЛИШДАН БОШЛАСАК:

Аллоҳ таоло марҳамат қиладики: **«Расул сизга нимани берса, олинг ва нимадан қайтарса, қайтинг»**. Бу чақириққа амал қилолмаётганимиз боис кўплаб сурункали ҳасталикларга чалинаётганимиз бир озгина тафаккур юритсак, кундай равшан бўлиб қолади!

«Енглар, ичинглар, фақат исроф қилманглар, чунки Аллоҳ исроф қилганларни севмайди», дейилади Аъроф сурасининг 31-оятда.

Келинг, фаразан бир мавлиддамиз дея тасаввур қилайлик:

Хонадон соҳиблари кутиб олишади ва манзират бошланди...

«Тўрга ўтинг-тўрга ўтинг»дан сўнг «бели» синай деб турган дастурхон хозирланган, бизга мунтазир бўлади, тўғрими? Дастурхон атрофида ўтирганча дуога қўл очамиз, сўнг бир оз чуғур-чуғурлашиб ҳол сўрашган бўламиз, ана ундан кейин энг даҳшатли воқеалар кетма-кетлиги бошланади...

Шу ерда бир нарсага келишиб олайлик, мен санаб бораётган таомларни кетма-кет ошқозонга тасаввурингизда «тахлаб» борасиз, майлими?!

Энг аввало, дастурхонларимиз кўрки бўлмиш ширмой нонлару оқ ёғга қорилган патир-лочиралар синдирилади. Қайноққи-

на чой берилади.

Қатлама ҳамирли жилдда қовурғали, карт думбаю чарвилари лиқиллаб турган сомсалар, блинчик (филминди) ёки ёғда ҳозиргина қовурилган, буғи чиқиб турган варақи сомсалар кетма-кет киши бошига тортилади. Чала чайнаб, бояги қайноққина, тафти чиқиб улгурмаган чой билан ошқозонга итариб жўнтиб юборилади. Зум ўтмай қора пахта гулли ликопларда салат (асосан майонезга қорилган) яна киши бошига тарқатилади. У ҳам бирон суюқлик (бу сафар шарбат, компот, кола, фанга в.ҳ.к) ёрдамида ошқозонга «экспорт» қилинади. Энди навбат суюқ овқатга (одатда бу узоқ қайнаб пишган шўрва, қобирғали мастава, уйғурча мампар, моҳора бўлади). Мана энди бир оз тана вазиятини ўзгартириб ён ҳамроҳларимиз билан гап «сотамиз». Шунда ҳам бўш ўтирмаймиз, чақ-чуқлардан «эрмак қиламиз» ёки пишириқлар билан чой хўплаб турамыз. 10 дақиқа ҳам ўтмай, навбатчи таомлар бирин-кетин тортилади (норин, қайноқ ҳасип, ток, карам ё булғор дўлмаси, хоним, табака). Ҳайриятки, булардан баъзилари «икки овора» ибораси билан узатилади! (яъни, икки кишига бир ликоп, дегани!)

Эндиги навбат иккинчи таомга (аввалгилари ҳисоб эмас), бунда одатга кўра па-

лов ачкиқ-чучук билан ёки қайноқ манти берилади. Сўнгида эса дастурхоннинг қоқ ўртасига терилган сархил мевалар кесиб тортилади (столга аввалдан кесиб қўйилганлари ҳисоб эмас!) Камига баъзи жойларда музқаймоқ ёки торт десерти билан тадбир охирида сийлаш бўлади. Бу ҳам етмагандай, пакетларда кузатиш асносида ҳар бир меҳмонга бериб ҳам юборилади.

Кўплаб юрт кездим, турли мамлакатларда бўлдим, аммо юқоридаги зикр қилган ҳолатимизни фақат биздагина кўрдим. Энг ачинарлиси шуки, бу ҳолат аллақачонлар удум, анъанага, урфга айланиб улгурган. Йиғинни қўйиб, асосий мақсадимизга қайтайлик:

қуйида келтирадиган маълумотларимни имкон қадар меҳр ила ёд олиб, иложингиз борица яқинларингизга илинишингизни жуда-жуда истардим:

– инсоннинг бўш ошқозони узунлиги меъёрида бир қаричгина бўлади, яъни 18-20 см ва ҳажми 0,5 литрни ташкил этади;

– овқатлангач, узунлиги 24-26 см.гача кенгайди, бунда ҳажми 1литргача ортиши меъёрий саналади. (Азизларим бизнинг ошқозонларимиз йиғинлар сўнгида 4-5 литргача ялвайиб кетяпти, бу даҳшат эмасми?!);

– пастки чегараси, яъни ошқозон туби 12-қобирғалар сатҳида, яъни киндикдан бир оз юқорида жойлашади. (Минг афсуски, ҳозирда эркагу аёлларимиз 40 ёшдан ўтганларида бу чегара пастга чўзилиб, кичик тос ичигача тушиб, қовуқ устига етиб қоляпти. Рентгенолог шифокорлар таажжубда! Ҳижолатда! Қорин аталмиш икки қайта таҳланиб, белбоғларимиз устиданда ағдарилиб тушмоқда!) Дастлаб олма, борбора нок шаклига келиб қолаётганимизни сезмаяпмиз ҳам;

– меъёрида бўлган ошқозонда сув ва спиртдан бўлак ҳеч нарса сўрилмайди;

– мева-сабзавотлар, шарбатлар ошқозонда 20-30 дақиқагина сақланади, осон парчаланиб, ичакка ўтказилади;

– гўшт ва оқсилли маҳсулотлар 4-4.5 соатгача ошқозонда туриб қолади (демакки, чала ҳазм бўлган овқат устига янги таом 4 соат вақт ўтмай ейилса, ачиш ва чириш жараёнлари бошланади). Табиийки, бундай беморларимиз доимо оғизларидан нохуш ҳид келишига, қоринга газ кўп йиғилишига, кекириш ва ел келишига шикоят қилади-

лар. Шу ўринда айтиш керакки, айнан шу сабаб қизилўнгачнинг диафрагма чурралари шаклланади. Энг ёмони миядаги қоннинг асосий қисми зулмли ҳазм жараёнлари учун сафарбар этиладию, зеҳн пасайиб боради, ибодатларимизда нуқсон ортади. Биз таомни эмас, энди таом бизни ея бошлайди.

Мана, яна мавлидларимиз бўсағасида турибмиз. Тасаввур қилган йиғинимиздаги каби сарфлар, исрофлар, удумлар сабаб, аслида савоб ниятида қилинадиган мавлиди Набийни аъмол дафтарларимизга салбий ҳолатда қайд этилишига йўл қўймасайдик! Оламлар сарвари муборак зот, саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳу васалламдан келтирилган ҳадисларга кўра:

Миқдом ибн Маъдийкариб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одам боласи тўлдирадиган идишларнинг энг ёмони қориндир. Одам боласига қаддини тутадиган (даражадаги) емаклар кифоядир. Агар жуда лозим бўлса, таоми учун учдан бир, шароби учун учдан бир ва нафаси учун учдан бир», дедилар»

Термизий ривояти

Асмо бинт Абу Бакр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У (Асмо) сарид пиширса токи унинг (овқатнинг) ҳовури кетгунча бир-оз устини ёпиб қўяр эди. Ва мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Албатта бу

(совутиб ейилган овқат) баракаси кўпроқдир», деяётганларини ешитганман дер эди.

Доримий ва Ибн Ҳиббон ривояти

Имом Табароний ва Имом Аҳмад Маймуна бинти Ҳорис онамиз розияллоҳу анҳудан ривоят қилишади:

«Бир йили очарчилик бўлди. Аъробийлар Мадинага келар эдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кишиларга амр қилар, бир одам бир кишининг қўлидан ушлаб уйига олиб кетар эди. Бир кеча бир аъробий келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг озгина таомлари ва бир оз сутлари бор эди. Аъробий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳеч нарса қўймай еб қўйди. Уни яна бир-икки кеча олиб келишди. У таомнинг ҳаммасини еб қўяверар эди.

Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Эй Худо! Ушбу аъробий баракаси йўқ одам экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таомларини ўзларига қўймай еб қўймоқда», дедим.

Кейин яна бир кеча олиб келдилар. У озгина таом еди, холос. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Бу ўшами?» дедим.

У мусулмон бўлган экан. У зот:

«Кофир етти қорин ила ейди. Мўмин бир қорин ила ейди», дедилар».

Бу каби кўплаб ҳадисларни келтиришимиз мумкин, аммо биргинасини билсагу, дарҳол унга амал қила бошласак, натижаларимиз қувонарли бўлиши тайин эди.

Хулоса қиладиган бўлсак:

– исрофга йўл қўймайлик, ўша удумларни ҳам шаръий кўрсатмалар асосида ислоҳ қилайлик;

– ҳар овқатланишдан 1 соат олдин 1-2 финжон қайнатилган оддий сув ичишни одат қилайлик;

– қаерга бормайлик, дастурхондан, энг аввало, ҳазми енгил маҳсулотларни тановул қилишни ўрганайлик (ҳўл мевалар ва салатларни овқатдан олдин истеъмол қилиш);

– ошқозонимизга зулм қилмайлик, ҳаммаси бўлиб энг кўпи билан 1 литргача (таом ва суюқликлар биргаликда) истеъмолни назорат қилайлик;

– салатларни майонез эмас, табиий зайтун мойи ёки сметана билан тайёрлашни одат қилайлик;

– асосийси, қуюқ овқат еб бўлгач, кетидан суюқликларни 1 соатгача ичмасликни одатга айлантирайлик;

– 4 соат вақт ўтмасидан, эски овқат ҳазм бўлиб улгурмай, навбатдаги янгисини емайлик. Шунда қуйидаги таомлар истеъмол кетма-кетлиги келиб чиқади, риояси ҳам мушкул бўлмайди:

сув (суюқликлар) мевалар салатлар (майонезсиз) суюқ таом қуюқ таом (истеъмол чоғида 1 пиёлагача суюқлик зиён қилмайди). Тамом!

Қуюқ таом устидан дарҳол суюқликларни ичиш овқат бўтқасини ювиндига айлантиради ва енгил вазнли еган маҳсулотларингизни суюқлик юзасига қалқитиб чиқаради, натижада ачиш-бижғиш жараёнлари юзага келади. Ҳали жуда кўплаб одатларимизни таҳлил ва тарк этишимиз, афзал

шаръий тавсияларни эса қон-қонимизга сингиб кетмагунича одатга айлантиришга жидду жаҳд ила уринишимиз керак бўлади.

2016 йил Нобель мукофотини олишга айнан рўза тутишнинг инсон организмига нафани ўрганган япон олими Йошинори Осуми сазовор бўлди. Бутун дунё Исломни ўрганаётган ва ривожланган мамлакатларда Набавий мўъжизаларни тан олган инсонлар билан мусулмонлар сони кундан-кунга ортиб борса-ю, Имом Бухорий юртида мавлиди Набий юқорида зикр қилинган ҳолатда нишонланса, қандай бўларкин?! Келажак ворисларимиз биз ислоҳ этмаган ёки лоқайдлик қилган бу каби муҳим масалаларда эртага қай аҳволда қоларкин?! Азизларим, қадрдон диндошларим, шу дамда бугунги суҳбатимизга хотима қила туриб, улуғ устозимиз Шайх ҳазратлари Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг дурдона асарларидан «Ижтимоий одоблар», «Бахтиёр оила» кабилар ҳар биримизнинг оиламизда бўлишини орзу қиляпман. Нафақат орзу қиляпман, балки фарзандларига кечки таомдан сўнгу бу бебаҳо ўғитлардан таълим ва ўз аъмолию хулқи ила тарбия бераётган юртдошларимни кўз олдимга келтириб турибман!

ЯНА БИР ГАП: БАЪЗИ
БОЛАЛАР АЙТГАНИМИЗНИ
ҚИЛИШАДИ, БАЪЗИЛАРИ
ЭСА КЎРГАНЛАРИНИ
ҚИЛИШАДИ, АММО
ҲАММАЛАРИ ҚИЛГАНИМИЗНИ
ТАКРОРЛАШАДИ. ТАКРОРГА
АРЗИГУЛИК БЎЛИШГА СИЗУ
БИЗНИ ҚОДИР АЙЛАСИН,
ИЛОҲИМ. ҚАЛБИНГИЗНИ
ЗАРРАЧА МАВЛИДИ
НАБИЙЛАРИМИЗНИ ГЎЗАЛ
ҲОЛАТДА ЎТКАЗИШГА УНДАЙ
ОЛГАН БЎЛСАМ, БАРЧАСИ
РОББИМДАН, БИТИКЛАРИМДА
ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН НУҚСОНУ
КАМЧИЛИКЛАР БЎЛСА, МЕН
ОЖИЗАДАН ДЕБ БИЛГАЙСИЗ.

Нилуфар МАҲАМАДЖАНОВНА

Товуқли аскалоп

Масаллиқлар:

8 дона товуқ филеси:

– гўшларни ўртасидан кесиб, ўртача қалинликка эга бўлгунча махсус болғача билан уриб оламиз;

– тайёр гўшларни зираворлаб (маринровка қилиб), ярим соат музлатгичга солиб қўямиз.

Зираворлаш:

кесилган филеларга таъбга кўра турли хил зираворлар, жумладан, зира, туйилган занжабил (инбир), мурч, туйилган корица, туз, 2 ош қошиқ зайтун ёғи, 1 чой қошиқ уксус, 1 ош қошиқ лимон суви солиб аралаштирилади.

Тайёрлаш:

Товуқли аскалопларни қовуришдан аввал уларни қуйидаги масаллиқлар ёрдамида филофлаб (ўраб) оламиз.

2 стакан ун

3 стакан талқон

2 дона тухум

0/5 стакан сут

зираворлар

0/5 чой қошиқ аччиқ қалампир кукуни

– Аввал унга зиравор ҳамда туз солиб аралаштирамиз; бошқа бир идишга тухум, сут, туз, қалампир ва зираворларни солиб аралаштирамиз; алоҳида яна бир идишга талқон ва зираворларни солиб аралаштирамиз.

– Филеларни олиб, аввал унга, кейин тухумли аралашмага ва талқонга ботириб чиқамиз, гўшларни идишга териб, музлатгичга ярим соатга солиб қўямиз. Тавага 1 см баландликда ёғ қуямиз. Гўшларни музлатгичдан олиб, яхшилаб қиздирилган ёғда, баланд оловда 1 дақиқа, сўнг паст оловда 3 дақиқа мобайнида қовурамиз. Шу тартибда уларнинг иккала тарафи қизартириб олинади.

Товуқли аскалоп тайёр, энди уни картошкали гарнер билан тақдим қилишингиз мумкин. Бунинг учун картошкаларни йирик сомонча шаклида тўғраб, товуқ гўшти пиширгандан ортиб қолган ун, тухум, ва талқонга ботириб, қолган ёғда қовуриб оламиз. Ёнига сувда ёки парда туз билан пиширилган сабзавотларни қўшиб безатамиз.

Ёқимли иштаҳа!

